

Ягона йўлимиз – тадбиркорлар сонини кўпайтириш,  
одамларни ишбилармон қилиш!  
Шавкат МИРЗИЁЕВ.

# БАНК АХБОРОТНОМАСИ

ISSN 2010-6602

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ ЯНВАРДАН БОШЛАБ НАШР ЭТИЛМОҚДА № 1-2 (1233) 2020 ЙИЛ 15 ЯНВАРЬ



Байрам саҳифаси 14-бетда

## “БАНК АХБОРОТНОМАСИ” ГАЗЕТАСИ 25 ЁШДА

Чорак аср сиз билан бирга бўлган “Банк ахборотномаси” газетаси бу йил 25 ёшда. 25 йил – бу кичкина муддат эмас, албатта. Бу – 300 ой, 9125 кун 1300 ҳафта деганидир. Шу давр мобайнида газета 1231 марта чоп этилиб, сиз ўқувчиларни турли янгиликлар ва воқеалардан хабардор қилиб, қизиқарли мақола-ларни эътиборингизга ҳавола этди.

Махсус саҳифа 8-бетда

## БАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ КЕНГ НИШОНЛАНДИ



1993 йилнинг 29 декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарорига кўра 14 январ – Ватан ҳимоячилари куни сифатида белгилаб қўйилди. Шу йилдан бошлаб юртимизнинг барча гўшаларида, хусусан, ҳарбий қисмларда бу шарафли байрам нишонлана бошланди.

Юрт тинчлиги, чегаралар дахлсизлиги давлатнинг, миллатнинг ноёб бойлигидир. Мамлакатда тинчлик ва осудалик ҳукм сураб экан давлат ривожланади, юрт обод бўлади. Инсонлар ўз уйи, Ватанидан кўнгли тинч экан яйраб меҳнат қилади, ижод қилади. Бу тинчлик ва осудаликнинг орқасида давлатимизнинг оқилона сиёсати, ҳарбийларнинг юрт сарҳадларини фидорона қўриқлаётгани ётади.

Мард ўғлонлар, жасур йигитлар эса ўз оиласи қўриқчиси, онаси, опаси, синглисининг қалқонидир. Ўз оиласи, ўз маҳалласи ва ниҳоят ўз Ватанини шаъни шавкатини ўйловчи жасур, гурурли йигитларни ким эъзозламайди, дейсиз. Шу учун ҳам бу байрамнинг ўзига хос салмоғи бор.

Мамлакатимиз банклари ҳам бу байрамни ўзига хос шуқуҳ билан нишонламоқда. “Ипотека-банк” АТИБда ҳам бу байрамга алоҳида тайёргарлик кўрилиб, 14 январь куни банкнинг фахри бўлган – эркаклар алоҳида бир хурмат ва эътибор билан кутиб олинди. Банкнинг Бош офисида эркакларга аёллар томонидан дастурхон тайёрланиб, куй-қўшиқлар садолари остида банкнинг барча ходимлари қутланди.

Банк ахборот хизмати





Реклама ўрнида

## “ТУРОНБАНК” КЎМАГИДА “UZTEX NORIN” КОРХОНАСИ ИШ БОШЛАДИ

Бугунги кунда мамлакатимизда янги sanoat корхоналарини ташкил этиш, mavjudларини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришга илғор технологияларни жорий этиш орқали маҳсулотларнинг сифат даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, бу каби ўзгаришлар тез суръатлар билан ўсиб бораётган тўқимачилик ва тикув-трикотаж тармоғида яққол намоён бўляпти. Хусусан, соҳага тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилиниб, тизимда илғор “кластер модели” жорий этилмоқда, худудларда стратегик аҳамиятга эга лойиҳалар амалга ошириляпти.

Сўзимизнинг исботи сифатида, ўн та ишлаб чиқариш заводини ўз ичига жамлаган, пахта етиштиришдан то тайёр кийимгача бўлган жараёни бир бренд остида бирлаштирган “Uztex Group” компаниясини келтиришимиз мумкин. Айни пайт 10 мингдан ортиқ ишчи меҳнат қилаётган ушбу тўқимачилик ва тикув-трикотаж sanoatининг етакчи корхонасида ип, мато, кийим-кечаклар, момиқ сочиқлар, пайпоқлар тайёрланмоқда. Уларнинг 95 фоизи эса Италия, Германия, Англия, Франция каби дунёнинг 45 давлатига экспорт қилиняпти.

“Туронбанк” АТБнинг молиявий кўмаги эвазига мазкур тармоқ корхоналарининг сони яна биттага кўпайди. Аниқроқ қилиб айтиладиган бўлса, Наманган вилояти Норин туманида унинг навбатдаги филиали ўз ишини бошлади. Давлатимиз раҳбарининг ушбу худудга амалга оширган ташрифлари чоғида берилган вазифа ўз вақтида ва сифатли бажарилди. 5 гектарлик майдонда эркаклар, аёллар ва болалар учун тикув – трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий текстил мажмуаси қад росолади.

Тикув фабрикасиغا Хитой ва Туркия давлатларининг айна йўналишдаги нуфузли компанияларидан энг сўнги русумдаги технологиялар олиб келинди. Бунинг натижаси ўлароқ, йилига 2,5 млн. дона импорт ўрнини босувчи маҳсулот тайёрлаш қувватига эришилиб,

500 нафар коллеж битирувчилари ҳамда ишсиз аёлларнинг бандлиги таъминланди. Шунингдек, ходимларнинг фарзандлари учун замонавий типдаги 160 ўринли мактабгача таълим муассасаси ҳам қуриб фойдаланишга топширилди.

– Бизнинг корхонамиз аввалги “Норин текс” акциядорлик жамияти ўрнида қайтадан бунёд этилди. Унинг мустаҳкам, шинам ва қўлай қилиб бунёд этилиши ва янги тикув машиналарининг келтирилишида “Туронбанк” АТБнинг ҳиссаси жуда катта бўлди. Бунинг эвазига тумандаги аҳолининг бандлиги таъминланди. Айтишим керак, корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тўғридан-тўғри МДХ ва Европа мамлакатларига етказиб берилади. Хусусан, йилига 3,0 млн. АҚШ долларилек экспорт амалиёти бажарилиши режалаштирилмоқда, – деди “Uztex Norin” корхонаси раҳбари Зокиржон Ҳамдамов.

Президентимиз таъбири билан айтганда, бу каби янги қувватларнинг ишга тушиши, энг аввало иқтисодий ўсишнинг бир белгисидир. Унинг замирида аҳоли фаровонлиги, минглаб инсонларнинг бандлиги, худудларнинг ривожланиши ётади. “Туронбанк” АТБ эса, бу жиҳатларни инобатга олган ҳолда шу каби ташаббускорларни қўллаб-қувватлашга доимо тайёр. Зеро, бугун кичик бир лойиҳага берилган кўмак, эртага халқ розилиги учун хизмат қилади.

Банк Ахборот хизмати

### FINANCE.UZ ХАБАРИ

“Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, банк хизматларидан фойдаланувчилар банк ва банк хизматларини танлашда эркиндир. Банклар эса, банк хизматлари тўғрисида шартнома тузишдан олдин истеъмолчиларга банк хизматларидан фойдаланиш шартлари билан танишиш имкониятини таъминлашлари шарт.

## ВЕБ-САЙТЛАР ТАЛАБГА ЖАВОБ БЕРЯПТИМИ?

Шу билан бирга, банк хизматларини тақдим этишнинг умумий шартлари, комиссия тўловлари, тарифлар ва банк хизматлари учун фоиз ставкалари тўғрисидаги маълумотлар очик маълумотлар бўлиб, банкнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.


Марказий банк томонидан банкларнинг веб-сайтлари юритилиши юзасидан ўрганиш ўтказилди. Натижада айрим банклар ахборотларни ошкор қилишга доир талабларга лозим даражада амал қилмаганлигини кўрсатмоқда. Масалан, айрим банкларнинг веб-сайтларида:

- долзарб маълумотлар жойлаштирилмаган;
- хизматлар ҳақидаги маълумотлар янгиланмаган ёки тақдим этилаётган хизматларнинг шартлари тўлиқ келтирилмаган;
- потенциал қарз олувчилар учун кредитнинг тўлиқ қийматини мустақил равишда ҳисоблаш имконияти яратилмаган;
- қарз олувчилар учун шахсий кабинет очиш имконияти mavjud эмас;
- мувожаатларни юбориш учун имкониятлар яратилмаган.

Жорий йилнинг 10 январь куни Марказий банк томонидан тижорат банклари вакиллари билан банклар фаолияти ва улар томонидан тақдим этилаётган хизматлар тўғрисида ўз вақтида, тўлиқ ва ишончли маълумотларни эълон қилиш масалалари бўйича учрашув ўтказилди. Учрашувда қайд этилишича, банкларнинг ўз хизматлари тўғрисида ахборотларни ошкор қилиниши истеъмолчиларнинг ишончли ва тўлиқ маълумот олиш ҳуқуқини таъминлайди, унинг ошкор қилинмаслиги эса, банк фаолиятида йўл қўйилган кўпол қоидабузарлик ҳисобланади.

Шу муносабат билан корпоратив веб-сайтлар орқали маълумотларни ошкор қилишда қоидабузарликларга йўл қўйган банкларга уларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

## БИРЖА САВДОЛАРИДА ЎСИШ КУЗАТИЛДИ



2020 йилнинг 6-12 январь кунлари Ўзбекистон Республикаси товар-хонашў биржасида 715,5 млрд. сўмлик битимлар тузилди, бу эса аввалги ҳафтадаги натижага нисбатан 53,4%га кўпдир. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари иштирокида тузилган битимларнинг умумий ҳажми 9,9% га ўсиб, 271,0 млрд сўмни ташкил этди.

Шу жумладан, биржа савдоларининг ҳажми 426,2 млрд. сўмдан 671,5 млрд. сўмга ошди. Валюта савдо майдончаси орқали сотилган товарларнинг қиймати 2,0 млн. АҚШ долларни ташкил этди. Экспорт таркибида полиэтилен маҳсулотларнинг улуши 58%, пиролиз газолини 34% ва пахта толаси 8% ни эгаллашди.

Кўргазма-ярмарка савдоларининг ҳафталик ҳажми 165,3% га ўсиб 25,7 млрд. сўмни ташкил этди. Кичик бизнес субъектлари томонидан амалга оширилган харидлар 5,4 млрд. сўмни ёки тузилган битимларнинг 21% ни эгаллади.

Ўтган ҳафтада давлат харидлари бўйича haqid.uz махсус ахборот порталида тузилган битимларнинг ҳажми 16,3 млрд. сўмни ташкил этди. Бюджет ва корпоратив буюртмачиларнинг пул маблағини тежаллаш 3,2 млрд. сўмни ташкил этди.

Қўриб чиқилаётган давр мобайнида онлайн аукцион орқали 504 та автомобиль рақамлари сотилди. Сотилган давлат рақам белгиларининг умумий суммаси 2,0 млрд. сўмни ташкил қилди. Рақобатли савдолар натижасида битимларнинг 20,6% биринчи тоифадаги авто-рақамларга 49,6% иккинчи ва 29,8% учинчи тоифа авто-рақамларга тегишлидир.

## “ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК” РАҲБАРИ ЁШ ХОДИМЛАР БИЛАН УЧРАШДИ



Акциядорлик-тижорат “Қишлоқ қурилиш банк” Бош қаруви раиси Баҳодир Муллахонов банк тузилмаларида меҳнат қилаётган бир гуруҳ ёш ходимлар билан учрашди.

Тадбирда давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 27 декабрдаги ёшлар билан учрашувида белгиланган вазифалар ва уларнинг банк тизимидаги ижроси ҳақида сўз борди. Таъкидландики, “Қишлоқ қурилиш банк” тузилмаларида ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Банк тизимида фаолият кўрсатаётган 3100 нафардан ортиқ ходимларнинг 877 нафарини ёшлар ташкил қилади. Ҳар йили банк тузилмаларига олий ўқув юртларининг 100 нафардан ортиқ битирувчилари ишга қабул қилинмоқда. Банкнинг марказий идорасида ва 41 та филиалда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг Етакчилар кенгаши фаолият юритмоқда. Биргина 2019 йилда банк томонидан 49 нафар ходим хорижий давлатларга малака оширишга юборилди.



Учрашув очик мулоқот руҳида ўтди ва банк раҳбари ёш ходимларнинг муаммолари, таклиф-мулоҳазалари билан қизиқди. Ёшлар томонидан банк фаолиятини ривожлантириш, хизматлар сифатини ошириш, ёш ходимларнинг билим ва малакаларини тизимли ошириб бориш ва уларни ижтимоий рағбатлантиришга доир қатор таклифлар ўртага ташланди.

– Биз ёшларда ғоялар ва фикрлар кўп, – дейди Банк омонатлари билан ишлаш бошқармаси етакчи мутахассиси Бехруз Мухсинов. – Кўпдан бери ўйлаб юрган таклифларим бор эди. Бугунги тадбирда ўша таклифларимни раҳбариятга билдирдим. Масалан, банкнинг “QCB-mobile” мобил иловаси орқали омонат амалиётларини бажариш таклифим қўллаб-қувватланди. Расмийликдан холи бундай учрашуларда ёшларга минбар берилиши ўзимизга бўлган ишончимизни оширади ва биз банк жамоасининг тўлақонли аъзоси эканлигимизни чуқурроқ англаймиз.

Мулоқот давомида ёшлар томонидан билдирилган таклифларни банк фаолиятига татбиқ қилиш юзасидан тегишли тузилмалар раҳбарларига топшириқлар берилди ва бундай учрашувларни ҳар ойда камида бир марта ўтказиб боришга қилишилди.

Банк Ахборот хизмати

## МАЛАКА ОШИРИШ БУ – БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАРНИ ЯНГИЛАШДИР

Бугунги кунда мамлакатимизда электрон ҳукуматни ривожлантириш ва модернизация қилиш, шунингдек, инвестицион иқлим ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган давлат хизматлари кўрсатишни кенгайтириш бўйича изчил чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 октябрдаги “Ягона миллий меҳнат тизими” идораларо дастурий-аппарат комплекси (ИДАК)ни жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки томонидан ижтимоий-меҳнат соҳасида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадида, жорий йилнинг 10-11 январь кунлари Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг бир гуруҳ мутахассислари иштирокида “Ягона миллий меҳнат тизими”га ўтишда идораларо дастурий-аппарат комплексидан фойдаланиш кўникмаларини жорий этиш юзасидан ўқув-семинари ташкил этилди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг меҳнат стандартлари ва меҳнатга ҳақ тўлаш бошқармаси бошлиғи Александр Навотный, Ягона миллий меҳнат тизимида ўтишда идораларо дастурий-аппарат комплекси дирекцияси директори Хусан Яркулов, “Фидо-Бизнес” бизнес агентлиги мутахассиси Жамшид Қамбаров, “Трастбанк”нинг Бош офиси, барча филиаллари ходимлар билан ишлаш ва юридик хизмат бўлимлари мутахассислари иштирок этди.

Хусусан, семинар давомида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг бир гуруҳ мутахассислари томонидан рақамли иқтисодиётнинг имкониятлари, ижтимоий-меҳнат соҳасида замонавий технологиялардан фойдаланиш ва бунинг натижасида республикада қоғоз сарфланиш ҳаражатларининг ҳам олди олинишига алоҳида тўхталиб ўтилди.

– Мазкур қарорнинг қабул қилиниши албатта, кўпгина ижобий натижаларни берди. Эндилликда жорий йилнинг 1 январидан иш берувчи ҳамда ходим ўртасида тузилмадан шартномалар ва меҳнат дафтарчаси электрон шаклда олиб борилиши йўлга қўйилмоқда. Мазкур тизимнинг қай тарзда юритилишини ўргатиш мақсадида республикамиз бўйлаб ходимлар билан ишлаш бўлими мутахассисларига тушунтириш ишларини амалга оширяпмиз, – дейди Ягона миллий меҳнат тизимида ўтишда идораларо дастурий-аппарат комплекси дирекцияси директори Хусан Яркулов.

– Бир масалага алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман, ушбу тизимнинг ишга туширилишидаги бошланғич bosқичида албатта қийинчиликлар мавжуд, чунки ҳар бир ходимнинг ўзи ва меҳнат фаолияти ҳақидаги батафсил маълумотларни базага киритиш зарур. Бунинг яхши бир томони-бир маротаба ходим ҳақида киритилган маълумотларни яна қайта-қайта киритишга зарурат туғилмайди ва ушбу маълумотларни базадан автоматик тарзда топиш мумкин бўлади, – дея сўзини якунлади Хусан Яркулов.

– Бугун Бош офис Ходимлар билан ишлаш департаменти томонидан ходимлар билан ишлаш ва юридик хизмат бошқармалари мутахассисларига “Ягона миллий меҳнат тизими” жорий этилиши муносабати билан уюштирилган семинарда биз жуда кўп маълумотларга эга бўлдик, – деди “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки Амалиёт бошқармаси Ходимлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Раъно Қодирхонова.

Албатта, бу биз учун янги тизим ҳисобланади. Бу тизимнинг асосий мақсад ва вазифалари, унинг афзаллик томонлари ҳақида вазирлик мутахассислари томонидан батафсил маълумотлар берилди.

– Шунингдек, 2020 йил 1 январьгача амалда ишлаётган ходимлар бўйича тузилган меҳнат шартномалари 2020 йилнинг 1 сентябргача бўлган муддатдан кечиктирмасдан дастурга тўлиқ киритилиши шартлиқ қайд этиб ўтилди. Мазкур семинар давомида “Ягона миллий меҳнат тизими” идораларо дастурий-аппарат комплексидан рўйхатдан ўтказиш ва маълумотларни жойлаштириш тартиблари ҳақида тушунчаларга эга бўлдик.

Семинарнинг яна бир афзаллиги шунда бўлдики, ҳозирги Меҳнат кодексининг лойиҳаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан кўриб чиқилган, киритилган янги моддаларга алоҳида тўхталиб ўтилди, бизни энг қувонтиргани бу мураббийлик, уларга ҳақ тўлаш ва стажировка ўташ масалалари ҳам Қодексда ўз аксини топибди. Бу жараёнларда ишлаб чиқариш шартномалари ишлаб чиқилиб, стажировка ўтаётган талаба-ходимларга стипендия тўлаиш масалалари бўйича батафсил тушунтиришлар берилди. Албатта, бу каби семинарлар ташкил этилиши давомий бўлса, бизда иш фаолиятимизга зарур бўлган барча янгиликлардан хабардор бўлиш имконияти ҳам яратиларди, – дея ўз сўзини якунлади Раъно Қодирхонова.

“Трастбанк” томонидан ташкил этилган семинар давомида иштирокчилар барча ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олишга муваффақ бўлдилар.

Сабохат ХАЙТКАРИЕВА



## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING 2019 ЙИЛДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ АСОСИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

### МАКРОИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ ВА ИҚТИСОДИЙ ҲОСИЛ

2019 йил якунларига кўра, ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) ўсиш суръати 5,4 фоиз белгиланган прогноз кўрсаткичи ўрнига 5,5 фоизни ташкил этди ҳамда 2018 йилда эришилган 5,1 фоиз кўрсаткичдан юқори бўлди.

ЯИМ ўсиш суръати асосан саноатнинг 6,4 фоизга (прогноз – 5,2 фоиз), қурилиш 11,8 фоизга (8,4 фоиз) ва хизматларнинг 6,1 фоизга (6,3 фоиз) ошиши ҳисобига таъминланди.

Аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми 1 741 АҚШ долларини ташкил этиб, 2018 йилга қараганда 13,6 фоизга ошди (2018 йилда – 1 533 АҚШ доллари).

2017 йилда миллий валютанинг икки марта қадрсизланишига қарамастан, 2019 йилда АҚШ доллари эквивалентидаги ЯИМ ҳажми деярли девальвация амалга оширилган даврдаги кўрсаткичи қайд этди.

**Маълумот учун: номинал ЯИМнинг АҚШ доллари эквивалентидаги ҳажми 2017 йилда 59,1 млрд. АҚШ доллари ташкил этган бўлса, 2019 йилда қарийб – 58,3 млрд. АҚШ долларини ёки 99 фоизини ташкил этди. 2018 йилда эса 50,5 млрд. АҚШ долларини ташкил этган эди.**

ЯИМ умумий ўсишида 1,9 фоиз банди хизматлар, 1,5 фоиз банди саноат, 0,9 фоиз банди қишлоқ хўжалиги, 0,6 фоиз банди қурилиш ва 0,6 фоиз банди маҳсулотга соф солиқлар ҳиссасига тўғри келди.

Иқтисодий ўсишнинг барқарорлиги иқтисодиёт тармоқлари томонидан ялпи тақлиф ва ички талаб ўртасидаги ўзаро мувозанати, инвестицияларни юқори суръатда яъни 28,6 фоизга ҳамда аҳоли реал даромадларини 10 фоизга ўсишини қўллаб-қувватлаш ҳисобига таъминланди.

Шу билан бирга, эришилган натижаларга қарамастан, аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми жаҳон бўйича ўртача кўрсаткичдан анчагина орқада қолмоқда ва демографик ҳолатни инобатга олганда иқтисодиёт қамров даражасининг пастиги, аҳоли даромадлари ва жамғармаларнинг чекланганлигидан далолат беради.

Меҳнат бозорига кучли демографик

босимнинг сақланиб қолиниши ва натижада, етарли миқдордаги иш ўринларини яратиш муаммоси ишсизлик даражасини камайтириш масалаларини ҳал этишни мураккаблаштиради.

Мураккаб вазиятнинг асосий сабаблари куйидагилар ҳисобланади:

Биринчидан, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш жараёни жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, узоқ муддатни талаб этади;

Иккинчидан, бозор иқтисодиётини шакллантиришда фундаментал характерга эга бўлган муаммолар хусусан, мулкчиликка бўлган муносабат, товар ва хизмат бозорларини монополиядан чиқарилиши, иқтисодий ўсишни таъминлаш ва унинг натижаларини тақсимлаш ҳамда фуқаролик жамиятини бошқариш жараёнларига имкони борича кўпроқ аҳолини жалб қиладиган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда инклюзив институтларни шакллантириш тўлиқ ҳал этилмади.

**Инфляция даражаси** 2019 йилда 15,2 фоизни ташкил этди (прогноз – 15,5 фоиз).

Йил давомида озиқ-овқат товарлари 18,6 фоизга ошди, хусусан, нархларнинг эркинлаштирилиши натижасида 1-навли бугдой унидан тайёрланган нон ўртача 44,6 фоизга ҳамда гўшт маҳсулотларидан мов гўштининг нархи 26,6 фоизга қимматлашди.

Нооziқ-овқат товарлар нархлари 10,9 фоизга ўсиб, улар орасида инфляция даражасининг ўсиши автотранспорт воситаларига ёнилги нархларининг 20,8 фоизга ошиши билан боғлиқ.

Хизматларга тарифлар 15,2 фоизга ўсиб, бунда асосан тартибга солинадиган тарифлар яъни уй-жой коммунал тўловлари ўртача 17,8 фоизга, Олий таълим муассасаларида тўлов шартнома асосида ўқиш 30,6 фоизга ошган.

Инфляция даражасининг юқори бўлишига йўл қўймаслик учун чекловчи чоралар кўрилиб, бунда товарлар бозорига рақобат муҳитини чекловчи, манзилли ва индивидуал характердаги солиқ имтиёзлари ва преференциялар бериш амалиёти бекор қилинди.

2019 йилда юқори инфляция даражасини сақланиб қолинишининг асосий сабаблари, тартибга солинадиган нархларнинг эркинлаштирилиши (3,6 фоиз), миллий валюта курсининг девальвацияси (3,7 фоиз), иқтисодиётга кредит қўйилмаларининг ўсиши, давлат бюджети тақчиллиги ва иш ҳақи

(4,1 фоиз), инфляция кўтилиши (2,1 фоиз) ва бошқа омиллар (1,7 фоиз) ҳисобига тўғри келди.

Инфляцияга таъсир этувчи таркибий омиллардан келиб чиқиб, 2020 йилда нархларнинг ўсиши прогноз параметрларини таъминлашнинг асосий йўналишлари:

тариф сиёсати билан биргаликда иқтисодиётнинг асосий тармоқларини монополиядан чиқариш ва таркибий ўзгариш жараёнларини фаоллаштириши;

кредитларнинг ўсишини (25 фоиз) прогноз доирасида таъминлашни;

ҳаддан ташқари давлат бюджети тақчиллигининг ўсишига йўл қўймаслики талаб этади.

Бундан ташқари, банк тизимида директив кредитлаш амалиётидан воз кечиб, молия бозорига рақобат муҳитини яратишга қаратилган ислохотлар давом эттирилади.

Шунингдек, иқтисодиётда меҳнат унумдорлигини ўсишига мувофиқ иш ҳақи миқдорини оширишга ўтилишни таъминлаш, бизнес ва аҳоли ўртасида энергия ресурслари тарифларининг ўсиши тўғрисида хабардорлиқни ошириш чораларини кўриш лозим.

Умуман олганда, ваколатли органлар инфляцияни пасайтириш тамойилига таянган ҳолда, самарали таркибий ўзгаришларни, инвестиция фаоллигининг ўсиши ва иқтисодий ўсишдан олинган даромадларни инклюзив тақсимлаш омиллари орқали амалга оширади.

### ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИ

2019 йилда Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларининг даромадлари 137 трлн.сўмни (ЯИМга нисбатан 26,1 фоиз) ёки 2018 йилга нисбатан 27 фоизга кўпайди (2018 йилда даромадлар 108 трлн.сўмни ташкил этган).

2019 йилда Давлат бюджети даромадлари ижроси 112,1 трлн.сўмни ташкил этиб, йил давомида белгиланган прогноз 9,5 трлн.сўмга ошириб бажарилган.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг даромадлари 24,3 трлн.сўмни ташкил этиб, белгиланган 19,0 трлн.сўм прогноз, 5,4 трлн.сўмга ошириб ижро этилди.

Давлат бюджети ва Пенсия жамғармаси даромадларининг кўпайишига куйидаги асосий омиллар таъсир этган: иқтисодиётнинг барча тармоқлари-

да ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмининг реал ўсиши;

олиб борилган солиқ ислохотларига мувофиқ ҚҚС, юридик шахслардан олинандиган даромад солиғи, мулк солиғи ва ер солиғининг солиқ базалари кенгайиши;

жисмоний шахслар даромад солиғида ягона 12 фоизли ставканинг жорий этилиши ва Пенсия жамғармасига суғурта бадалининг бекор қилиниши ҳисобига иш ҳақининг сезиларли ўсиши ҳамда солиқ маъмуриятчилигини қучайтириш муносабати билан иш ўринларини ташкил этиш ва легаллаштириши;

2019 йил 1 октябрдан бошлаб, импорт қилинган товарлар учун бир қатор божхона имтиёзлари бекор қилинди.

Импорт қилинадиган товарларга қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзларнинг бекор қилиниши муносабати билан қўшимча даромад 828 млрд.сўмни ташкил этди. Бунда асосан, ёғоч маҳсулотлари – 220 млрд.сўм ва автомобильсозлик саноати – 213 млрд.сўмни ташкил этди.

2019 йилда Консолидациялашган бюджетнинг (Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари) харажатлари 144,7 трлн.сўмни (ЯИМга нисбатан 27,6 фоиз)ни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан 37 фоизга кўпайди. Улардан давлат бюджети харажатлари 117,8 трлн.сўмни (ўсиш 49 фоиз) ёки тасдиқланган харажатларга нисбатан 12,2 трлн.сўмга ортиқчи ташкил этди.

Давлат бюджетининг қўшимча харажатлари асосан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси, давлат ҳокимияти органларининг қарорларига мувофиқ “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” давлат дастурларини амалга оширишга, ижтимоий ва инфратузилма объектларини қуриш ва реконструкция қилиш (капитал таъмирлаш) учун сарф-харажатлар ҳажминини оширишга ҳамда давлат сектори ходимларига иш ҳақи тўлашга йўналтирилган.

Ижтимоий соҳага йўналтирилган харажатлар, жумладан капитал харажатлар ҳисобига олган ҳолда 61,3 трлн.сўмни ёки давлат бюджети харажатларининг 52 фоизини ташкил этди. Давлат сектори ходимларига иш ҳақини тўлаш харажатлари ҳажми 52,5 трлн.сўмни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан 39 фоизга кўпайди.

**(Бошланиши 4-саҳифада)**

Давлат қарзи билан боғлиқ хизмат харажатлари (фоиз харажатлар) 1,1 трлн. сўми ташкил қилиб, 2018 йилга нисбатан 3 бараварга кўпдир.

Консолидациялашган бюджет (Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари билан бирга) тақчиллиги 2019 йилда 7,7 трлн. сўми ёкида ЯИМга нисбатан 1,5 фоизни ташкил қилди. Бунда давлат бюджетининг тақчиллиги ЯИМга нисбатан 1,1 фоизни ташкил этди.

Шу билан бирга, бюджет тақчиллиги ҳамда 2,1 трлн. сўм асосий қарзни қоплаш харажатлари қўйидаги молиявий манбалар:

2019 йил бошига нисбатан республика бюджети ва Пенсия жамғармасининг қолдиқ маблағлари – 3,1 трлн. сўм;

давлат томонидан чиқарилган облигациялар – 1,1 трлн. сўм;

бюджетни қўллаб қувватлаш учун Халқаро молия институтларининг қарз маблағлари – 5,6 трлн. сўм ёки 621 млн. АҚШ доллар эквиваленти ҳисобига қопланади.

### ТАРКИБИЙ ИСЛОХОТЛАРНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ВА ТАРМОҚЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ

2019 йилда марказлашмаган инвестициялар биринчи навбатда иқтисодиёт тармоқларида таркибий ўзгаришларни чуқурлаштиришга олиб келадиган ёқилги-энергетика, тўқимачилик ва тикув-трикотаж, кимё, электротехника, заргарлик, металлургия ва бошқа саноат тармоқларини ривожлантириш дастурларини амалга оширишга йўналтирилди. Натижада, 145 та йирик ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилиб, иқтисодиётда саноатлашув даражаси ўсиш тенденцияси кузатилиб, ЯИМ таркибиде саноатнинг улуши 2018 йилдаги 26,3 фоиздан 2019 йилда 29,0 фоизга ошди.

Йил якуни билан иқтисодиётга инвестициялар ҳажми 128,6 фоизга ўсиб, қарийб 21 млрд. долларни ташкил этди.

Бироқ, бугунги кунда инвестициялар таркибиде саноатга йўналтирилган инвестицияларнинг улуши 33,4 фоизини ташкил этганлиги юқори кўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган рақобатбардос тармоқларни яратиш учун етарли эмас.

Шу ўринда, инвестиция ва экспортга йўналтирилган тармоқларни ривожлантириш ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжуд бўлмай қолмоқда. Хусусан, инвестицияларнинг катта оқими, жумладан хорижий ва республиканинг тижорат банклари маблағлари кончилик тармоқларига (нефть хомашёси, табиий газ ва металл рудаларини қазиб олиш) тўғри келади. Қайта ишловчи саноат тармоқларида энгил саноат ва қурилиш материаллари асосий ўрин эгалламоқда.

Таъкидлаш жоизки, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмининг ўтган йилга нисбатан кескин ўсиши асосан нефть хомашёси ва табиий газ қазиб олиш, қурилиш материаллари ва энгил саноат тармоқларига йўналтирилган бўлса, юқори экспорт салоҳиятига эга бўлган машинасозлик, электротехника, металлургия, кимё ва фармацевтика каби саноат тармоқларига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш нисбатан паст даражада бўлди.

Шунингдек, нефть ва газ, электр энергия ва ҳаво транспорт каби базавий тармоқларда бошланган таркибий ўзгаришлар ҳали якунига етказилмади.

Тарифларни ошириш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшиламайди балки, соҳага қўшимча инвестициялар жалб қилишни таъминловчи нефть газ ва электр энергия тармоқларида таркибий ўзгаришларга қаратилган чора-тадбирларни кечиктирмасдан ўз вақтида амалга оширишни талаб қилади.

Иқтисодиётда саноатнинг диверсификация жараёни паст даражада сақланиб қолмоқда, бундан келиб чиқиб, ҳолатни яхшилаш учун саноат тармоқларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган 13 та тармоқ дастурларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш лозим.

Айрим маҳсулотлар бозориде (нефть маҳсулотлари, тайёр тўқимачилик маҳсулотлари, қурилиш материаллари ва бошқалар) талаб ва тақлиф ўртасида номутоаносибликлар кузатилмоқда.

Иқтисодиётнинг қатор тармоқларида таннархнинг юқорилиги ва меҳнат унумдорлигининг пастлиги маҳаллий маҳсулотларнинг ички ва ташқи бозордаги рақобатбардослигини пасайтирмоқда.

Асосий товар ва хизматлар бозориде давлат қорхоналарининг монопол мавқеи сақланиб қолинмоқда. Жумладан, Озиқ-овқат, ёғ-мой ва пахта тозалаш саноатини бошқариш тизимида уларнинг иқтисодиётдаги монопол мавқеини пасайтиришга қаратилган ислохотлар яқунланмади.

Марказлашган инвестициялар ҳажми ижтимоий ва саноат инфратузилмалари, шунингдек, бошқа давлат объектлар лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлиб, 2018 йилга нисбатан 66 фоизга ошди.

Вазирлик, идора ва маҳаллий бошқарув органлари капитал қўйилмаларнинг юқори ўсиш суръатларига қарамасдан, келгуси молиявий давр учун ажратилган бюджет маблағлари ҳажмига мос келмайдиган ва белгиланган муддатлар инобатга олинмасдан киритиладиган, инвестиция аризаларни тақдим этиш бўйича бюджет интизоми мавжуд эмас.

Шунингдек, айрим ижтимоий йўналишлардаги тармоқларни ривожлантириш стратегия ва концепцияларнинг мавжуд эмаслиги, лойиҳа ташаббускорларига ажратилган капитал қўйилмаларни комплекс ва самарали ўзлаштиришини таъминламайпти.

Вазирликлар, идора-бюроумачиларда лойиҳа ҳужжатларини техник тавсифларни ишлаб чиқиш тизими мавжуд эмас, бу эса бюджет ажратмаларини харажатларининг асосий ўсишига, шунингдек, тасдиқланган ҳужжатларни ўзгариштиришга олиб келади.

Бундан ташқари, алоҳида лойиҳалар (объектлар) бўйича ишларни бажариш билан лойиҳа ҳужжатлар бир вақтда ишлаб чиқиш амалиёти сақланиб қолмоқда, бу эса бюджет ажратмаларини режалаштиришда зарур бўлган капитал қўйилмалар миқдорини аниқ белгилашга имкон бермайди.

Ишларни бажариш вақтида лойиҳа ҳужжатларининг мавжуд эмаслиги бажарилган иш ҳажми нархининг ошишига, ишлаб чиқариш ва қурилиш жараёнларини ташкил этиш сифатини зарурий назоратини заифлашишига олиб келади.

### ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ

Саноат ўсишининг рағбатлантирувчи муҳим омилларидан бири ташқи талаб бўлиб, у экспортнинг ўсиши билан ифодланади. 2019 йилнинг 11 ойи натижаларига кўра, товарлар ва хизматлар экспорти (қимматбаҳо металллар ва та-

биий газдан ташқари) 122,7 фоизга ва экспортёр қорхоналар сони 1 138 тага ошди.

Шу билан бирга, умумий экспорт таркибиде хомашёга йўналтирилганлик даражаси сақланиб қолмоқда (57,2 фоиз), ёки товарлар экспортида ушбу кўрсаткич 70,8 фоизни ташкил этмоқда.

Хорижий сармоа иштирокидаги қорхоналар томонидан товарлар ва хизматлар экспорти 2,3 млрд. АҚШ долларини (умумий экспортнинг 14,1 фоиз), шундан хизматлар экспорти 54,1 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Экспортнинг хомашёга йўналтирилишининг асосий сабаблари:

– тайёр маҳсулот таннархининг юқорилиги натижасида рақобатбардос эмаслиги (масалан қўшни давлатлардан маиший электр техникаларини импорт қилиш, божхона тўловлари ва транспорт харажатини инобатга олган ҳолда ҳам маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларидан арзонга тушади);

– миллий сифат стандартларини халқаро сатандартларга номувофиқлиги ёки уларни қўллаб хорижий мамлакатларда тан олинмаслиги ҳисобланади.

Мева ва сабзавотлар улуши жами экспортда 7 фоизни ташкил этиб ўтган йилга нисбатан 137,9 фоизга ошди. Бунда асосий улушни сабзавотлар (38,7 фоиз) эгаллади. Ушбу маҳсулотларни экспорт қилинишига тўсқинлик қилувчи омиллар:

мазкур маҳсулотларнинг сифати импорт қилувчи мамлакатнинг фитосанитар талабларига мос келмаслиги;

сақлаш қувватларининг етарли эмаслиги;

хорижий улгуржи ва чакана савдо тармоқлари билан алоқаларнинг йўқлиги ҳисобланади.

Қайта ишлаш тармоқларида экспортнинг энг юқори ўсиш кўрсаткичи тўқимачилик маҳсулотларига (124,6 фоиз) тўғри келди. Шу билан бирга, ушбу маҳсулотлар экспортида ил қалава экспортининг юқори улуши сақланиб қолинмоқда. Бунда, тармоқда GSP+ тизимига қўшилиш жараёнлари яқунланмаганлиги, аралаш газламанинг йўқлиги тайёр маҳсулотлар экспортини кенгайтиришга тўсқинлик қилмоқда.

Шунингдек, металлургия, чарм-полябзал саноатида ишлаб чиқариш ҳажмлари ўсишига қарамай, ушбу тармоқлар бўйича экспорт ҳажми пастлигича қолмоқда.

2019 йилнинг январь-ноябрь ойларида экспортдан тушган валюта тушуми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,1 фоизга ўсиб, табиий газ экспорти билан бирга 8,4 млрд. АҚШ долларига етди. Бунда, 2019 йилнинг 1 декабрь ҳолатига экспорт амалиётлари бўйича муддати ўтган дебиторлик қарзи 501,7 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

2019 йилнинг 11 ойида товарлар импорти ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 4,5 млрд. АҚШ долларига ўсиб, 19,8 млрд. АҚШ долларини ташкил этди.

Унинг таркибиде асосий улушни машина ва ускуналар, шу жумладан бутловчи ва эҳтиёт қисмлар (44,1 фоиз), кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар (13 фоиз), шунингдек озиқ овқат маҳсулотлари (7,6 фоиз) эгаллади.

2019 йилнинг январь-ноябрь ойларида импорт тўловларининг суммаси 18,6 млрд. долларга етиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 32 фоизга ўсган. Бунда, 2019 йилнинг 1 декабрь ҳолатига импорт амалиётлари бўйича муддати ўтган дебиторлик қарзи 490,8 млн. долларни ташкил этди.

**Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги  
Ахборот хизмати**

## FINANCE.UZ ХАБАРИ

### 2019 ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОНДА АКЦИЯЛАР ҲАЖМИ СЕЗИЛАРЛИ ДАРАЖАДА ОШДИ

Маълумотларга кўра, 2019 йилда Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги томонидан 40,6 трлн. сўмлик (3,5 трлн. дон) 125 та акция чиқариш ҳолатлари рўйхатдан ўтказилди. 2018 йилда чиқарилган акцияларнинг умумий ҳажми эса 13,4 трлн. сўмни ташкил этган эди.

Хусусан, 2019 йил давомида ёпиқ обуна бўйича чекланган инвесторлар орасида бир қатор йирик акциялар чиқариш ҳолатлари рўйхатдан ўтказилган – "Issiqlik elektr stansiyalari" АЖ (4 трлн.), "Hududiy elektr tarmoqlari" АЖ (8,3 трлн.), "Dehqonobod kaliy zavodi" АЖ (691,5 млрд.), "Uzbekistan Airways" АЖ (4,3 трлн.), "Uzbekistan Airports" АЖ (5,8 трлн.), "Ўзсаноатқурилиш-банк" АТБ (2,5 трлн.), "Агробанк" АТБ (2,2 трлн.), "Ипотекабанк" АИТБ (1,4 трлн.) ва бошқалардир.

Шунингдек, ўтган йил давомида "Hamkorbank" АТБ (2,5 млрд.), "Turkiston" ХАТБ (25,0 млрд.), "Trustbank" ХАБ (65,0 млрд.) ва "Марказий Деҳқон Бозори" АЖ (5,89 млрд.) томонидан очик обуна бўйича акциялар чиқарилган.

Жами 2020 йил 1 январь ҳолатига Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқариш Ягона давлат реестрига кўра республикада рўйхатдан ўтказилган акциялар умумий эмиссия ҳажми 140,3 трлн. сўми (10,4 трлн. дон) ташкил этмоқда.

Бундан ташқари, 2020 йил 1 январь ҳолатига умумий ҳисобда 103 та эмитентнинг 848,9 млрд. сўмлик 164 та корпоратив облигациялари чиқарилган. Шундан 116 таси тўлиқ сўндирилган, 27 таси эса бекор қилинган. Ҳозирги вақтда муомаладаги облигациялар сони 13 та бўлиб, уларнинг умумий қиймати 488 миллиард сўмни ташкил этади.

Хусусан, 2019 йилда "Инвест финанс банк" АТБ томонидан умумий қиймати 100 млрд. сўмлик, "Asia Alliance Bank" АТБ томонидан 50 млрд. сўмлик ва "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ томонидан 150 млрд. сўмлик корпоратив облигациялари чиқарилиши рўйхатдан ўтказилди.

# МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ 2019 ЙИЛ ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТЎҒРИСИДА

## I. 2019 ЙИЛ УЧУН ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ КЎРСАТКИЧЛАРИ

2019 йилда умумий пул массаси 13,8 фоизга ошиб, 91,3 трлн. сўмни ташкил этган бўлса, миллий валютадаги пул массаси 14,4 фоизга ортди (62,8 трлн. сўмни ташкил этди). Бунда 2019 йил давомида пул массаси таркибида ижобий ўзгаришлар кузатилди.

Хусусан: миллий валютадаги жами муддатли депозитлар ҳажми 43 фоизга, жумладан, аҳоли омонатлари ҳажми 54 фоизга ошди;

муомаладаги нақд пуллар миқдорининг ўсиш суръати умумий пул массаси ўсишига нисбатан паст бўлиб, 9,4 фоизни ташкил этди. Натижада умумий пул массасидаги нақд пуллар улуши 2019 йил давомида 27,6 фоиздан 26,6 фоизгача пасайди;

аҳоли омонатларининг умумий депозитлардаги улуши 25 фоиздан 31 фоизгача кўпайиб, уларнинг ҳажми 20,6 трлн. сўмга етди.

Умуман олганда, мазкур тенденция аҳолининг банк тизимига бўлган ишончи аста-секинлик билан ортиб бораётганлигидан ҳамда пул-кредит сиёсати чораларининг иқтисодиётдаги жамғариш фаоллигига ижобий таъсир кўрсатаётганлигидан дарак беради.

Ички ресурслар чекланганлиги ва мамлакатнинг ташқи қарз юки кўрсаткичининг нисбатан пастлиги шароитида йиллар давомида йўғилган "инвестицион чанқоқлик", шунингдек, долзарб иқтисодий вазифаларни ҳал этиш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш орқали иқтисодиётдаги номутаносибликларни бартараф этиш зарурияти ташқи қарзни ошириш имкониятидан фойдаланишга туртки бўлди.

Бу ўз навбатида, тижорат банкларининг хорижий кредит линияларини жалб қилиш фаоллигининг ошишига ҳамда истеъмол кредитлари бозорининг ривожланишига олиб келди. Натижада иқтисодиётдаги кредит қўйилмалари қолдиғи 50,9 фоизга ошиб 208 трлн. сўмни ташкил этди. Бунда миллий валютадаги кредитлар қолдиғи 48,7 фоизга (шу жумладан, аҳоли учун кредитлар 63,5 фоизга), хорижий валютадаги кредитлар қолдиғи 53,8 фоизга ошди.

## II. ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТАШҚИ МУВОЗАНАТЛАШУВИ ВА КУРС СИЁСАТИ

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ташқи иқтисодий операциялар ҳажми ўртача 1,2 бараварга ўсган ҳолда, 2019 йил якуни бўйича тўлов балансининг жорий операциялар ҳисоб-рақамидаги дефицит 2018 йилга нисбатан 0,8 млрд. АҚШ долларига пасайиб, 2,8 млрд. АҚШ долларини ташкил этиши кутилмоқда.

Импортнинг сезиларли қисми банкларнинг хорижий валютадаги кредитлари (6,2 млрд. долл.) ҳисобидан молиялаштирилгани инobatта олинса, жорий операциялар ҳисоб-рақамидаги дефицитнинг вужудга келиши валюта бозори ва алмашув курсига жиддий босим ўтказмади.



Олтин валюта захиралари "нейтраллиги"ни таъминлаш ёндашуvinинг татбиқ этилиши уларнинг ўсиш динамикасини сақлаб қолди. Мазкур захиралар ҳажми йил бошига нисбатан 2,2 млрд. АҚШ долларига ошиб, 2019 йил якунида 28,6 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди.

## ВАЛЮТА БОЗОРИ

2019 йилда ички валюта бозорида ялпи талаб ҳажми 37 фоизга ўсиб, 15,5 млрд. АҚШ долларини, тақлиф ҳажми эса 44 фоизга ўсиб, 11,7 млрд. АҚШ долларини ташкил этди.

Монетар олтинни сотиб олиш натижасида вужудга келган 36,6 трлн. сўмлик қўшимча ликвидликни стерилизация қилиш мақсадида Марказий банк томонидан 33,6 трлн. сўм эквиваленти миқдориде валюта маблағлари ички валюта бозориде сотилди.

Бунда 2019 йилда Марказий банкнинг валюта интервенциялари валюта курсининг фундаментал трендига таъсир қилмаган ҳолда алмашув курсининг бозор шароитлари асосида шаклланиши доирасида амалга оширилди.

## АЛМАШУВ КУРСИ ДИНАМИКАСИ

Алмашув курси динамикаси ўзида ички ва ташқи омиллар таъсирини акс эттирган ҳолда валюта бозоридаги талаб ва тақлиф жорий нисбатидан келиб чиқиб шаклланди.

2019 йилнинг биринчи ярмида талаб ва тақлифнинг бир маромда ошиши ҳамда мақсадли сотув ҳажмига нисбатан камроқ интервенциялар амалга оширилган шароитда валюта биржасида савдо сессияларида сўмнинг АҚШ долларига нисбатан курси 2,8 фоизга пасайди.

Ўз навбатида, йилнинг июль ва август ойларида, айрим асосий савдо ҳамкор давлатлар валюталарининг қадрсизланиши туфайли девальвацияон кутилмаларнинг ошиши, шунингдек, валютага бўлган талабнинг ортиши ва Марказий банк интервенцияларининг ўсиши таъсирида сўмнинг алмашув курси маълум маънода тўғриланиб, 10,2 фоизга қадрсизланди.

2019 йилнинг кейинги ойларида алмашув курси нисбатан барқарор бўлди, яъни 2019 йил сентябрь-но-

ябрь ойларида 1,3 фоизга қадрсизланган бўлса, декабрь ойида бироз қадри ошди (0,1 фоизга).

Умуман олганда, 2019 йилда миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан алмашув курси йил бошига нисбатан 13,9 фоизга қадрсизланди (8341 сўм/доллардан 9501 сўм/долларгача).

## III. ИНФЛЯЦИЯНИНГ 2019 ЙИЛДАГИ ОМИЛЛАРИ ВА ПРОГНОЗИ

"Пул-кредит сиёсати 2019 йил ва 2020-2021 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишлари"да кўрсатиб ўтилган Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишининг асосий сценарийсига кўра, 2019 йил учун инфляциянинг прогноз кўрсаткичи 13,5-15,5 фоиз даражасида белгиланган эди. Марказий банк 2019 йил давомида қайта молиялаш ставкасини кўриб чиқиш жараёнида инфляциянинг прогноз даражасини ўзгаришсиз сақлаб қолди.

2019 йил якунларига кўра, инфляция даражаси прогноз коридорининг юқори чегарасида шаклланиб, 15,2 фоизни ташкил этди.

Айни пайтда 2019 йил давомида инфляция динамикаси турли йўналишли ҳусурията касб этди. Хусусан, йилнинг биринчи ярмида йиллик инфляция даражаси 13-13,5 фоизгача пасайиб, мазкур кўрсаткичда маълум муддат сақланиб тургандан сўнг, йилнинг иккинчи ярмида инфляция динамикаси ўсувчи трендга эга бўлди.

Тартибга солинадиган нархларни эркинлаштирилиши, банкларнинг кредитлаш фаоллигининг ошиши ҳамда давлат харажатларининг ўсиши каби инвестицион ва истеъмол талабидий рағбатлантирувчи омиллар, 2019 йилнинг иккинчи ярмида нисбатан юқори инфляция даражасини юзага келишига олиб келди.

Хусусан, июль-август ойларидаги тартибга солинадиган нархларнинг ўсиши билан бирга миллий валюта алмашув курси девальвациясининг тезлашиши, ойлик инфляция даражасининг 2019 йил август ойида 2,9 фоизгача ўсишига асосий омил бўлди (2018 йил август ойида – 0,3 фоиз).

2019 йилнинг IV чорагида инфляция ўсиш суръатларининг 2018 йил-

нинг мос даврига нисбатан маълум даражада секинлашиши кузатилди (0,7 фоиз бандга).

Бунда 2019 йил давомида ун ва нон маҳсулотлари нархларининг ошиши йиллик инфляцияга маълум даражада босим яратди.

Шунингдек, 2019 йилда тартибга солинадиган нархлар ўртача 21,6 фоизга, хусусан, нон – 40 фоизга, газ – 18,8 фоизга, электр энергияси – 18 фоизга ва бензин – 17,6 фоизга ўсди.

Об-ҳаво шароитлари мева-сабзавотлар нархларида ўз аксини топди. Хусусан, мевалар нархи – 21,4 фоизга, картошка – 11,7 фоизга ва гуруч – 5,8 фоизга қимматлашди.

Бундан ташқари, жойларда озуқам захираларининг етишмовчилиги масаласи ҳам гўшт маҳсулотларининг нархи таъсир этди ва уларнинг нархи 23,4 фоизга ошди.

Шу билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳасидаги нархлар ўсишида тезлашиш кузатилди, бунда йўловчи транспорти хизмати – 13 фоизга, таълим хизматлари – 22 фоизга қимматлашди.

2020 йилдан бошлаб инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш доирасида 2021 йилда инфляция даражасини бир хонали сонга, 2023 йилга келиб эса, мақсадли кўрсаткич – 5 фоизга пасайтириш бўйича қатъий чоралар кўрилиши назарда тутилмоқда.

2020 йил учун инфляциянинг базавий прогнози 12-13,5 фоиз даражасида белгиланган.

Инфляциянинг прогноз даражасига эришиш мақсади, иқтисодиётга кредит қўйилмалари ўсиш суръатларини 20-25 фоиз атрофида, яъни номинал ялпи ички маҳсулот ўсишининг прогноз қилинаётган даражасида таъминланишини талаб этади.

Шунингдек, солиқ-бюджет сиёсати соҳасида умумий фискал баланс дефицити қисқариши назарда тутилган. Хусусан, умумий фискал баланс дефицитининг 2019 йилдаги ЯИМга нисбатан 4 фоиздан 2020 йилда 2,7 фоизга қисқариши, 2022 йилда 1,5 фоизгача босқичма-босқич пасайиб бориши ва келгуси йилларда ушбу даражада ушлаб турилиши кўзда тутилган.

Бунда лозим даражадаги пул-кредит сиёсати олиб борилиши ва фискал баланс дефицити қисқариши шароитида, хусусий ва хорижий инвестициялар ҳажмининг ошиши иқтисодий ўсиш суръатларини белгиланган прогноз параметрларида ушлаб туришга хизмат қилади.

Келгуси йилда инфляциянинг прогноз кўрсаткичларига эришиш учун иқтисодиётда реал фоиз ставкаларининг ижобийлигини таъминлаш чоралари кўрилади.

Бундан ташқари, 2020 йилда инфляция даражасини пасайтириш бўйича "Йул харитаси"да белгиланган муҳим таркибий ислохотларнинг амалга оширилиши иқтисодиётда номонетар омилларнинг нархлар ўсишига таъсирини минималлаштириш имконини беради.


# 2019 ЙИЛДА ИЧКИ ВАЛЮТА БОЗОРИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

2019 йилда ички валюта бозори амалга оширилган операциялар ҳажми барча сегментларда бозор иштирокчилари сонининг ўсиши шароитида шаклланди.

Ички валюта бозоридagi операцияларнинг умумий ҳажми 15,5 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, 2017 ва 2018 йилларга нисбатан мос равишда 1,4 ва 2,2 баробарга ўсди.

## ИЧКИ ВАЛЮТА БОЗОРИ СЕГМЕНТЛАРИДА ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИГА БЎЛГАН ТАЛАБНИНГ ЎЗГАРИШ ДИНАМИКАСИ

(млн. АҚШ долл.)



### I. Чет эл валютасига бўлган талабнинг ўсиши ва ўзгариш динамикаси


1.1. Банкларо валюта бозори ҳолати ва юридик шахслар билан амалга оширилган операциялар.

2019 йилда юридик шахслар томонидан чет эл валютасига бўлган талаб 2018 йилга (10,4 млрд. АҚШ долл.) нисбатан 32 фоизга ўсиб 13,7 млрд. АҚШ долларини ташкил этди.

Ушбу даврда, биржадан ташқари валюта бозорида ҳўжалик субъектлари томонидан 3,2 млрд. АҚШ доллари миқдорига чет эл валютаси сотиб олиниб, ушбу кўрсаткич аввалги йилга нисбатан 3,8 баробарга ошди (2018 йилда – 845 млн. АҚШ долл.). Шунингдек, валюта биржасидаги операциялар ҳажми 10 фоизга ошиб, 10,5 млрд. АҚШ долларига етди.


### 2019 ЙИЛДА БИРЖАДАН ТАШҚАРИ ВАЛЮТА БОЗОРИДАГИ ОПЕРАЦИЯЛАР ҲАЖМИ ДИНАМИКАСИ

(банкларнинг юридик шахслар билан тўғридан-тўғри операциялари)



Валюта бозорида чет эл валютасини сотиб олиш мақсадларининг таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг асосий қисми (72 фоизи) ишлаб чиқариш учун асбоб-ускуналар, товарлар ва хомашё импорти, 15 фоизи – халқ истеъмоли товарлари ва дори-дармон маҳсулотлари импорти, 9 фоизи – хорижий кредитларни сўндириш, 2 фоизи – хорижий инвесторлар репатриацияси ва қолган 2 фоизи – бошқа мақсадлар учун харид қилинган.

### 2018-2019 ЙИЛЛАР ДАВОМИДА ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИНИ СОТИБ ОЛИШ МАҚСАДЛАРИ ТАРКИБИ (фоизда)



2019 йил давомида ички валюта бозорида чет эл валютасини харид қилган ҳўжалик юритувчи субъектлар сони 1,5 баробар кўпайиб, декабрь ойида 7,6 мингташи ташкил этди (2018 йилнинг декабрь ойи – 5,1 минг).

### 1.2. Жисмоний шахслар билан амалга оширилган операциялар.


2019 йилда жисмоний шахслар томонидан ва-

люта айирбошлаш шохбчалари орқали сотилган чет эл валютаси миқдори 3,8 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, аввалги йилга нисбатан 41 фоизга ошди (2018 йил - 2,7 млрд. АҚШ долл.). Айна пайтда жисмоний шахслар томонидан 1,8 млрд. АҚШ доллари сотиб олиниб, мазкур кўрсаткич 2018 йилга (975 млн. АҚШ долл.) нисбатан 1,9 баробарга ўсди.

Ҳисобот даврида банклар ва жисмоний шахслар ўртасидаги валюта олди-сотди операциялари ҳажми сальдоси 2 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан 16 фоизга ошди.

Шу билан бирга, халқаро пул ўтказмалари ҳажмининг мавсумий камайишига қарамай, 2019 йилнинг декабрь ойида жисмоний шахслар томонидан нақд чет эл валютасини сотиш (500 млн. АҚШ долл.) ва сотиб олиш (305 млн. АҚШ долл.) ҳажми тарихий максимал даражага етди. Ушбу ҳолат, йил якунида аҳоли ва тадбиркорларнинг ўз молиявий мажбуриятларини бажариши фаоллашганлиги билан изоҳланади.

### 2019 ЙИЛДА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛГАН ОПЕРАЦИЯЛАР ҲАЖМИ



### II. Чет эл валютаси таклифи


2019 йилда ички валюта бозорида хорижий валютадаги умумий таклиф ҳажми 11,7 млрд. АҚШ долларини (Марказий банкнинг интервенцияларини ҳисобга олмаган ҳолда) ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан 43 фоизга ўсди.

Хусусан, ҳисобот йилида:

ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан 6,0 млрд. АҚШ доллари сотилган бўлиб, ушбу кўрсаткич аввалги йилга нисбатан 1,5 баравар ошди (2018 йил - 4,1 млрд. АҚШ долл.);

Молия вазирлиги (ривожланиш дастурларини молиялаштириш учун халқаро молия институтларининг кредитлари) ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан сотилган чет эл валютаси миқдори 1,7 млрд. АҚШ долларини ташкил этди.

### ИЧКИ ВАЛЮТА БОЗОРИДАГИ ТАКЛИФ МАНБАЛАРИ




2019 йил давомида Марказий банкнинг валюта интервенциялари бозор тамойиллари асосида шаклланган алмашув курси доирасида олтин-валюта захираларининг нейтраллиги принципи асосланган ҳолда амалга оширилди. Бунда Марказий банк томонидан сотилган чет эл валютасининг соф ҳажми йил давомида сотиб олинган монетар олтин ҳажми доирасида бўлиши таъминланди.

Натижда, ҳисобот йилида Марказий банк томонидан 36,6 трлн. сўм миқдорига монетар олтин сотиб олинганлиги сабабли юзага келган кўшимча ликвидликни стерилизация қилиш мақсадида 33,6 трлн. сўм миқдорига валюта маблағлари сотилди.

### 2018-2019 ЙИЛЛАРДА ВАЛЮТА БИРЖАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ОЛДИ-СОТДИ ОПЕРАЦИЯЛАРИ ВА МАРКАЗИЙ БАНК ИНТЕРВЕНЦИЯЛАРИ ҲАЖМИ

(млн. АҚШ долл.)




2019 йилда импортни молиялаштириш манбалари таркибида ички валюта бозорида сотиб олинган маблағлар (конвертация) улуши 56 фоиздан 53 фоизга пасайиши кузатилиб, хорижий валютадаги кредитлар ҳисобига импортни молиялаштириш улуши 19 фоиздан 25 фоизга ошди.

2018-2019 йиллари импортни молиялаштириш манбалари



2019 йил давомида пул ва кредит бозорлари сўм сегментлари асосий кўрсаткичларининг хорижий валютага бўлган талаб динамикаси билан ўзаро боғлиқлиги кузатилди. Хусусан, банк тизимидаги ликвидлик ҳажмининг ўзгариши, кредитлар ҳажмининг ўсиши чет эл валютасига бўлган талаб ва интервенциялар ҳажмига таъсир кўрсатди.

### ИЧКИ ВАЛЮТА БОЗОРИДАГИ ТАЛАБ ВА ИНТЕРВЕНЦИЯЛАР БИЛАН ЛИКВИДЛИК ВА КРЕДИТЛАР ҲАЖМИ ЎЗГАРИШИНИНГ ЎЗАРО БОЎЛИҚЛИГИ



### Алмашув курси динамикаси

Миллий валютанинг алмашув курси динамикаси валюта бозоридagi талаб ва таклифнинг жорий нисбатидан келиб чиқиб, ички ва ташқи омиллар таъсирида шаклланди.

Бунда валюта бозорида талаб ва таклифнинг бир маромда олиши шароитида, мақсадли сотув ҳажмларига нисбатан интервенциялар ҳажми кам бўлганлиги сабабли, биринчи ярим йиллик давомида валюта биржасидаги савдо сессияларида миллий валюта АҚШ долларига нисбатан 2,8 фоизга қадрсизланди.

2019 йилнинг июль ва август ойларида савдо ҳамкорларимиз бўлган айрим давлатлар валюталари девальвацияси ва бунинг натижасида юзага келган девальвацияни қутилмаларнинг ортиси, шунингдек, ички валюта бозорида чет эл валютасига бўлган талабнинг ўсиши натижасида миллий валюта 10,2 фоизга қадрсизланди.

2019 йилнинг кейинги ойларида сўмнинг алмашув курси нисбатан барқарор бўлиб, сентябрь-ноябрь ойлари давомида 1,3 фоизга қадрсизланган бўлса, декабрь ойида 0,1 фоизга мустаҳкамланди.

Умуман олганда, 2019 йил давомида миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан алмашув курси йил бошига нисбатан 13,9 фоизга қадрсизланди (8341 сўм/долл.дан 9501 сўм/долл.гача).

# Газетамиз 25 ёшда

## ЧОРАК АСР БИЗ БИЛАН

Ўзбекистон банклари Ассоциацияси Республика тижорат банклари номидан "Банк ахборотномаси" газетасининг барча таъсисчилари, тахририят Кенгаши, ҳамкорлари ва бутун ижодий жамоасини газета ташкил этилганлигининг 25 йиллиги муносабати билан самимий муборакбод этади.

Ўтган йиллар давомида, газета банк-молия тизимини ахборот ва тахлилий материаллар билан таъминлашда, иқтисодий тизимда амалга оширилаётган ислохотларни кенг ёритишда, банк тизимини ривожлантиришга оид қизиқарли ва актуал материалларни чоп этиб боришда салмоқли ишларни амалга ошириб келмоқда. Шунингдек, мазкур давр мобайнида газета банк тизими ходимларининг билим даражаларини ва касбий кўникмаларини ошириб боришда асосий манбалардан бири бўлиб намоён бўлди.

"Банк ахборотномаси" газетаси бугунги кунда, Ўзбекистонда банк-молия мавзусидаги материалларни нашр этишга ихтисослашган ягона газета ва бу унинг ҳақиқий қийматини кўрсатиб беради. Унинг ҳар бир бу сони – республикамиз ижтимоий-иқтисодий ва банк-молия соҳасидаги янги-

ликларнинг ишончли манбасидир. Газета ўзининг 25 йиллик фаблияти давомида, энг илғор гоёлар ва инновациялари билан юртимиз банк тизимининг янги тарихини ёзиб борди.

Ушбу йиллар мобайнида газета жамоасининг юқори малакаси ва машаққатли меҳнати, "Банк ахборотномаси" нашрини республика банк жамоатчилигининг асосий ахборот майдони ва минбарига айлантирди.

"Банк ахборотномаси" газетаси жамоасига келгусида ижодий муваффақиятлар ва зафарлар тилаймиз. Умид қиламизки, газета ахборот хизматлари бозорида фаол бўлиб, ўзининг юқори мавқеини узоқ йиллар сақлаб қолади.

**Бахтиёр ХАМИДОВ**  
Ўзбекистон банклари  
Ассоциацияси  
Бош директори

## СОҲА ФИДОЙЛАРИГА ТАБРИК

Бугунги кунда оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини янада ошириш борасида Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан соҳа тараққиёти учун муҳим бўлган ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, зарур шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

Бу эса оммавий ахборот воситаларидан кенг жамоачиликка тезкор, ҳолис ахборотларни етказиб беришда фаол бўлишга ундамоқда.

Мана кўп йиллардан буён банк-молия тизимда бўлаётган янгиликлар, ўзгаришлар ҳақида "Банк ахборотномаси" ва "Банковские вести" газеталари орқали, ушбу тахририят жамоаси томонидан муштарийларга маҳаллий ва хорижий банк-молия янгиликлари, хабарлар, тахлилий мақолаларни доимий равишда миллий журналистиканинг профессионал талаблари асосида ёритиб келмоқда.

Жорий йилда ушбу газеталар ташкил этилганлигига 25 йил тўлади. Шу муносабат билан тахририят ходимларини "Агробанк" АТБ

жамоаси самимий муборакбод этади!

Шу давр мобайнида газеталарнинг ҳар бир сонидида "Агробанк" АТБ томонидан олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлардан, тизимда бўлаётган янгиликлардан аҳолини доимий тарзда ҳолис хабардор этиб борилаётганлиги ҳамкорлигимизни янада фаоллаштирмоқда.

Хурматли тахририят жамоаси, азиз журналистлар, сизларни яна бир бора "Банк ахборотномаси" ва "Банковские вести" газеталарининг 25 йиллиги билан кутлаймиз.

Сизларнинг масъулиятли ва шарафли фаолиятингизда куч-қувват, соғлиқ-саломатлик, оилавий фаровонлик тарқ этмасин.

**"Агробанк" АТБ жамоаси**

## ҚАЛАМИНГИЗ ЎТКИР БЎЛСИН!

Азиз дўстлар!

"Банк ахборотномаси-Банковские вести" газеталари биринчи сонининг чоп этилганига 25 йил тўлгани муносабати билан "Трастбанк" хусусий акциядорлик банки нашр ижодий жамоасини самимий муборакбод этади!

Газетанинг ҳар бир нашри "Трастбанк" ходимлари ва мижозларига мамлакатимиз банк-молия соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, янгиликлар, шунингдек қизиқарли ва тахлилий мақолалар билан танишиш имконини беради. 25 йил давомида газета мамлакат банк-молия соҳасидаги оммабоп ва ишончли маълумот манбаи сифатида ўзини кўрсата билди.


Сизлар доим замонавий техник имкониятлардан фойдаланиш, Ўзбекистон банк-молия бозори учун янги медиа-форматларни ишлаб чиқиш ҳамда ўзига хос ҳолдан фойдаланган ҳолда ўз аудиториясига эга газеталардан бири саналасиз. Бу

эса албатта, мамлакатнинг ахборот соҳасидаги таниқли етакчисига айланиш ва доимий аудиторияга эга бўлиш имконини беради.

Биз "Банк ахборотномаси-Банковские вести" газетасининг йилдан-йилга униб-ўсаётганини ва профессионал журналистлар жамоаси томонидан ёритилаётган мақолалар Ўзбекистон бизнес-матбуотидаги ягона нашр эканлигининг гувоҳи бўлаяпмиз. Қизиқарли руҳлар, материалларнинг ўзига хослиги, мақола ёритилишидаги ижодий ёндашув ва ўзига хос дизайн газетанинг ёрқин тимсолидир.

Албатта, бугунги ютуқ ва марраларга эришгунга қадар тахририят 25 йил мобайнида қийин ва машаққатли йўлни босиб ўтганлигининг ҳам гувоҳи бўлдик. Инсон ҳаёти каби – бир нашрнинг ҳаёти давомида эришган ютуғи, бу жуда катта галаба ва газета жамоаси фарҳанса арзийдиган ютуқ ҳисобланади.

Агар банкнинг энг қиммат-



ли активи бу мижозлар бўлса, у ҳолда ҳар бир оммавий ахборот воситасининг активи – бу албатта унинг ўқувчисидир.

Юбилей – бу янги лойиҳалар ва тадбирларни бошлаш

учун ажойиб вақт. "Трастбанк" хусусий акциядорлик банки Сизнинг жамоангизини чинакам ҳамкорлик тамойиллари асосида фаолият юритишини, газетхонлар сонининг бундан-да ортишини

ва ҳамкорлар билан йиллар давомида синовдан ўтган муносабатларни ишончлилик принциплари, профессионаллик ва инсоний тамойиллар асосида давом этишини тилайди.

25 йиллик давр мобайнида – Ўзбекистон банк-молия бозорида энг обрўли ва ҳурматга сазовор, маълумотларга бой ва кўп қиррали нашрлар қаторига кириб олдингиз. "Банк ахборотномаси-Банковские вести" газетаси журналистларининг банк соҳасига оид материаллари доимо Ўзбекистон банклари орасида катта қизиқиш уйғотади. Шу сабабдан ҳамкорлигимиз самарали бўлишига умид қиламиз.

Газетанинг барча жамоасига келгусида миллий журналистиканинг профессионал аъналарини сақлаб қолишини, янги ижодий муваффақиятлар, молиявий барқарорлик ва содиқ ўқувчиларни тилаймиз! Юбилей муборак, азиз журналист ва ноширлар!

**"ТРАСТБАНК"**  
хусусий акциядорлик  
банки жамоаси

## ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС ГАЗЕТА

Мамлакат тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий ривожланишида оммавий ахборот воситаларининг алоҳида ўрни бор, десак муболаға бўлмайди. Чунки ОАВ ҳаёт кўзгусидир.



Уларда ёритиладиган ахборот ва материаллар инсон дунёқарашини бойитибгина қолмай, жамиятда рўй бераётган ўзгаришлар, амалга оширилаётган ишлар, эришилаётган ютуқ ва камчиликларга нисбатан муносабатини ҳам шакллантиради.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда 1000 га яқин газета ва журналлар чоп этилаётганлиги ҳам оммавий ахборот воситаларига эҳтиёж йилдан йилга ортиб бораётганлигидан далолат беради. Бир пайтлар туман, вилоят газеталаридан ташқари 3-4 номдаги республика ва газета журналлар бор эди, холос. Бугунги кунда ҳар бир соҳанинг тармоқ газеталари мавжуд.

Хусусан, "Банк ахборотномаси" ва "Банковские вести" газеталари ҳам 25 йиллик ижодий йўлни босиб ўтган, катта тажриба ва малакага эга бўлган тармоқ газеталаридан биридир. Бу йиллар ичида мазкур нашр ўзининг минг-минглаб ўқувчиларига эга бўлди ва ва уларнинг меҳрини қозонди.

Ўзим ҳам бу газеталарни илк сонидан бошлаб ҳозирги кунгача мунтазам равишда ўқиб келяпман, десам хато бўлмайди. Шу давр мобайнида мазкур нашр фаолият кўрсатиб келаётган соҳам – банк йўналишида яқин маслаҳаттўйимга айланган. Шу газеталар орқали билганларимни ҳамкасабаларимга ўргатиб, билмаганларимни ўрганганман. Қолаверса, менинг ҳам бу газеталарда кўплаб мақолаларим ёритилган.

Узоқ йиллик муштарий сифатида айтишим мумкинки, газетанинг бугунги даражага етиши осон кечгани йўқ. Вақтида тахририятнинг ютуқлари ҳам, камчиликлари ҳам бўлди. Энг муҳими барча соҳада бўлганидек, катта тажриба тўпланди. Ана шу тажриба, малака бугунги "Банк ахборотномаси" ва "Банковские вести" газеталари саҳифаларида яққол кўзга ташланиб турибди.

Мамлакатимизда барча соҳада ислохотлар жадал сурьатда кетаётган паллада, банк соҳасида ҳам замон билан ҳамнафас равишда кенг ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Эндиликда банклар аҳоли эҳтиёжларидан келиб чиқиб, қатор кулайликларга эга халқаро андозаларга асосланган банк хизматларини жорий қилмоқда. Босқичма-босқич амалга оширилаётган бу каби ислохотлар юрт истиқболи, халқ фаровонлиги учун хизмат қилади. Айнан бу ўзгаришларни "Банк ахборотномаси" ва "Банковские вести" газеталарида фаол ёритиб келинмоқда. Бу эса соҳа мутахассислари ва аҳолини банк тизимидаги янгиликлардан бохабар этмоқда.

Шу билан бирга, тахририят қошида очилган "Finance. uz" сайтининг фаолият кўрсата бошлагани нур устига аъло нур бўлди. Чунки ахборот асрида маълумотларни тезкор ва сифатли етаказиш ўта муҳим ҳисобланади. Аини дамда ушбу сайт орқали республикамиз банк ва молия соҳасида рўй бераётган ўзгариш ва амалга оширилаётган ишлар тўғрисида хабарларни батафсил олиш мумкин.

Мана, банк соҳаси ходимлари газетасининг ташкил этилганига 25 йил тўлибди. Мен газетанинг юбилеи билан ҳар икки тахририят жамоасини ҳам чин дилдан табриклайман. Келгусидаги ишларида улкан ютуқлар тилайман. Газетхонларнинг ишончи ва муҳаббати ҳамisha мададор бўлишини тилаб қоламан.

**Алиқул ЭРДОНАЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси  
"Банк иши" кафедраси доценти,  
иқтисод фанлари номзоди

## АХБОРОТ МАЙДОНИДА СОБИТ

Тижорат банклари мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим тармоғидир. Чунки улар орқали қанчадан-қанча молиявий жараёнлар амалга ошириб, кўплаб ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик объектлар, янгидан-янги корхоналар барпо этилмоқда. Энг асосийси, аҳолини янги иш ўринлари билан таъминлашда банкларнинг ўрни бекиёс бўлмоқда. Буларни ҳисобласак адоғига етиб бўлмайди.



Айниқса, барча соҳаларда ислохотлар давом этаётган бир паллада, банклар ҳам ўз иш фаолиятини янгилаб, замонавий ва халқаро андозаларга босқичма-босқич мослаштириб бораётган муҳим жараёнда матбуотнинг хизмати жуда катта. Чунки аҳоли шу наشرлар орқали банк фаолиятидаги янгиликлардан, ўзгаришлардан огоҳ бўлади.

"Банк ахборотномаси" ҳамда "Банковские вести" газеталарининг бу борадаги хизматлари таҳсинга сазовор. Истиқлолимизнинг дастлабки йиллариданоқ чоп этила бошлаган кўшалоқ нашрлар матбуот майдонида биринчилардан бўлиб молия ва банк соҳасидаги янгиликлардан юрт аҳолисини хабардор қила бошлади. Натижада ўтган йиллар давомида газеталар ўзининг минглаб муштарийларини топиб улгурди.

25 йил давомида мазкур нашрлар орқали банк тизимида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг ижодий қобилиятлари ҳам акс этиб келмоқда. Жумладан, ўтган йили банк ходимлари ўртасида наسر ва назмда қалам тебратаётган ҳаваскор ижодкорларнинг ижод намуналари бериб борилди ва бу кўпчилик муштарийларда катта қизиқиш уйғотди.

Тахририятнинг 25 йиллик тўйи арафасида ижодий жамоани ва уларнинг ҳамкорларининг самимий табриклаймиз. Уларнинг келгусидаги машаққатли ва шарафли фаолиятида улкан муваффақиятлар тилаймиз. Ахборот майдонида собит туриб, янада катта зафарлар қучишини тилаймиз.

**Файзулло ВОХИДОВ,**  
Марказий банк Наманган вилоят,  
Бош бошқармаси бошлиғи

## ЗИЁ ТАРҚАТИШДА БАРДАВОМ БЎЛИНГ!



"Банк ахборотномаси" ва "Банковские вести" газеталари республикамиз банкларида фаолият кўрсатаётган барча ходимларнинг севимли ва қадрдон десак адашмаймиз. Бу газеталар узоқ йиллардан буён банк ва молия муассасаларида рўй бераётган ўзгаришлар, эришилаётган ютуқлар билан ўз муштарийларини таништириш воситасида малакали мутахассисларнинг илмий мақолалари орқали уларнинг билими ва дунёқарашини кенгайтиришдек эзгу ишга муносиб ҳисса қўшаётганлиги алоҳида таҳсинга сазовор.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2018 йил ноябрь ойида "Мониторинг сийёсатнинг 2019-2021 йилларга мўлжалланган асосий йўналишлари" мавзусида бўлиб ўтган йиғилишида молиявий саводхонликни ошириш масаласига алоҳида тўхталиб ўтилган эди. "Банк ахборотномаси" ва "Банковские вести" газеталарининг бугунги кундаги фаолияти ана шу йиғилишда таъкидланган кўрсатмаларга тўлиқ жавоб бераётганлигини мамнуният билан қайд этмасдан бўлмайди. Зиё тарқатишда бардавом бўлинг, деймиз.

Севимли газеталаримиз тахририят жамоаларининг эришаётган ютуқлари ҳақида узоқ гапириш мумкин. Энг асосийси, мазкур газеталарда йилдан йилга янги-янги руҳ ва саҳифалар ташкил этилиб, мазмунан бойиб бормоқда.

Биз, Қорақалпоғистон Республикаси Марказий банки ҳудудий Бош бошқармасига қарашли филиаллар ходимлари ҳам икки тахририят жамоасини газеталарнинг 25 йиллик юбилеи билан самимий муборакбод этамиз.

**Баходир АЛЛАНИЯЗОВ,**  
Марказий банк  
Қорақалпоғистон Республикаси  
Бош бошқарма бошлиғи



## 1 ФЕВРАЛДАН ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯ ВА СТИПЕНДИЯЛАР ОШИРИЛАДИ

Бу Президентнинг 2019 йил 30 декабрдаги қароридан назарда тутилган.

2020 йил 1-февралдан бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, нафақалар, шунингдек кам таъминланган oilаларга моддий ёрдам миқдорлари 1,07 бараварга оширилади.

Тегишчанча курсатилган санадан бошлаб асосий ҳисоб-китоб курсаткичлари куйидагиларни ташкил этади: меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқ-

дори (МХЭKM) – ойига 679 330 сўм; пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори (ПХБМ) – бир ойда 238 610 сўм; ёшга доир энг кам пенсия – бир ойда 466 680 сўм; болалигидан ногиронларга бериладиган нафақа – бир ойда 466 680 сўм; зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ва меҳнатга қобилиятсиз фуқароларга бериладиган энг кам нафақа миқдори – бир ойда 286 390 сўм; базавий ҳисоблаш миқдори (БХМ) ўзгартирилмасдан 223 000 сўм даражасида қолдирилди.

## “ҲАР БИР ОИЛА – ТАДБИРКОР” ДАСТУРИ ДОИРАСИДА КРЕДИТЛАР АЖРАТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧА КИРИТИЛДИ

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 октябрдаги ПҚ-4498-сон “Oilавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга ошириладиган лойиҳаларни кредитлаш тартибини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 21 декабрдаги 31/1-сон “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги қарори Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилди (30.12.2019 й., 3022-3-сон).

Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларга асосан:

– “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида кредитлар 2020 йилдан бошлаб АТ Халқ банки, “Микрокредитбанк” АТБ ва “Агробанк” АТБ томонидан ажратилиши;

– кредитлар тижорат банклари орқали Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасида, 2021 йил 1 январдан тижорат банклари томонидан бозор тамойиллари асосида муस्ताқил равишда ўрнатиладиган ставкаларда ажратилиши;

– тижорат банклари томонидан бозор тамойиллари асоси-

да муस्ताқил равишда ўрнатиладиган ставкаларда бериладиган кредитлар бўйича белгиланган тартибда фоиз харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш механизми қўлланилиши белгиланди.

Шунингдек, қарз олувчиларга қулайлик яратиш мақсадида “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида импорт шартномалари асосида кредит маблағлари ҳисобидан хориждан келтирилладиган товарлар (хизматлар) бўйича тўловлар мазкур шартномаларда назарда тутилган шартларга мувофиқ амалга оширилиши тўғрисидаги норма билан тўлдирилди.

Cbu.uz

## 2020–2022 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРИ ТАСДИҚЛАНДИ

“Ўзбекистоннинг 2020–2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори (ПҚ-4563-сон, 09.01.2020 й.) қабул қилинди.

Қарор билан Ўзбекистоннинг 2020–2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастури тасдиқланди.

– Дастурда, жумладан, куйидагилар назарда тутилган:  
– 850,5 трлн. сўм инвестициялар, шу жумладан 35,5 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги хорижий инвестицияларни ўзлаштириш;

– 206 та янги ишлаб чиқариш қувватлари ва 31 мингдан зиёд иш ўринлари яратиш.

Қарорга кўра, Ўзбекистон номидан ёки кафолати остида ташқи қарзни жалб этиш бўйича 2020 йилда янги имзоландиган шартномалар доирасидаги лойиҳалар “2020 йил учун Ўзбекистоннинг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонун билан белгиланган чегаравий ҳажмлар доирасида аниқланади.

– Шунингдек, қиймати 50 млн. АҚШ долларидан ошадиган ва хорижий инвесторнинг улуши 50 фоиздан кам бўлмаган инвестиция лойиҳалари доирасида ишлаб чиқариш майдонидан ташқарида зарур ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини бюджет маблағлари ҳамда молиялаштиришнинг бошқа ички манбалари ҳисобидан қуриш тартиби мазкур инвестиция лойиҳалари куйидаги талабларга мос келган тақдирда қўлланилади:

– лойиҳанинг иқтисодий самарадорлиги мавжудлиги;  
– Урбанизация агентлигининг лойиҳани сўралаётган ер участкасида жойлаштиришнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси мавжудлиги;

– лойиҳанинг лойиҳаолди ҳужжатига давлат экология экспертизасининг ижобий хулосаси мавжудлиги (зарур ҳолларда).

## 2020 ЙИЛ 1 МАРТДАН ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНГАНЛИК ДАРАЖАСИГА БАҲО БЕРИШ ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

“Республика ҳудудларида тадбиркорликнинг ривожланганлик даражасига баҳо бериш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” Хукумат қарори (8-сон, 08.01.2020 й.) қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, 2020 йил 1 мартдан бошлаб республика ҳудудларида тадбиркорликнинг ривожланганлик даражасига баҳо бериш тизими жорий этилади.

2020 йил 1 мартга қадар тадбиркорликни ривожланганлик даражаси кўрсаткичларини ҳисоблаш ва баҳолаш бўйича “BUSINESS INDICATOR” автоматлаштирилган онлайн ахборот тизими ишга туширилади.

Ушбу тизимни ишлаб чиқиш, унга техник хизмат кўрсатиш юзасидан, истисно тариқасида, тендер (танлов) савдолари-


ни ўтказмасдан энг яхши таклифларни саралаб олиш йўли билан шартнома тузилади.

Қарор билан Республика ҳудудларида тадбиркорликнинг ривожланганлик даражасини баҳолаш тартиби тўғрисида низоми тасдиқланди.

Низомига кўра, баҳолаш ярим йиллик ва йил якуни бўйича ўтказилади.

Баҳолаш натижасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шунингдек туман ва шаҳарлар рейтингини тузилади, рейтингда юқори кўрсаткичларга эга ҳудуддаги ташкилотлар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари бошқарув ходимлари моддий рағбатлантирилади.

Баҳолаш Иқтисодийёт ва sanoat вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.



## Фойда солиғи: Бўнак тўловлари бўйича Маълумотномалар Тақдим этилмайди

Янги тахрирдаги Солиқ кодексига давлат солиқ хизмати органига жорий ҳисобот даври учун тахмин қилинаётган юридик шахслардан олинadиган фойда солиғининг суммаси ҳақида маълумотнома тақдим этиш бўйича норма киритилмади.

Фойда солиғи бўйича берилган имтиёзлар, шу билан бирга, Миллий гвардия органларидаги қўриқлаш хизматлари учун, шаҳар йўловчилар транспортида (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари) йўловчиларни ташиш бўйича хизматлар курсатишдан олинган ва бошқа имтиёзлар бекор қилинди.

Давлат облигациялари ва давлатнинг бошқа қимматли қоғозлари бўйича даромадлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган юридик шахсларнинг халқаро облигациялари бўйича даромадлари солиққа тортишдан озод этишни назарда тутадиган имтиёз сақлаб қолинди (СК 316-модда).

Ушбу чоралар солиқ тўловчиларнинг солиқ қонунчилигини ижро қилиш билан боғлиқ харажатларини камайтириш имконини беради ва Жаҳон банкининг ҳар йиллик "Бизнесни юритиш" ҳисоботида Ўзбекистон Республикаси рейтингини яхшилашга қўмақлашади.

Солиқ кодексининг 339-моддасига мувофиқ, Фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартиби:

– ҳисобот (солиқ) даврининг якунлари бўйича солиқ суммаси солиқ тўловчи томонидан мустақил равишда аниқланади.

– ҳисобот даври якунлари бўйича солиқ суммаси солиқ даврининг бошидан ошиб борувчи якун билан, солиқ базасининг солиқ ставкасига мувофиқ бўлган фойдалардаги улуши сифатида ҳисоблаб чиқарилади.

– солиқ тўловчи белгиланган ҳолларда ва тартибда фойда солиғини ёки чет давлатда тўланган даромадлардан олинadиган худди шундай турдаги тўланган солиқни ҳисобга ўтказиш йўли билан солиқ суммасини камайтиришга ҳақли.

– солиқ ҳисоботи барча солиқ тўловчилар томонидан ҳар бир ҳисобот ва солиқ даври ўтганидан кейин солиқ бўйича ҳисобда турган жойидаги солиқ органига тақдим этилади.

Солиқ ҳисоботи куйидаги муддатларда тақдим этилади:

– ҳисобот даври якунлари бўйича – ҳисобот даврдан кейинги ойнинг 20 кунидан кечиктирмай;  
– солиқ даври якунлари бўйича – солиқ даври ўтгандан кейинги йилнинг 1 мартдан кечиктирмай.

Бюджет ташкилотлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан солиқ бўйича солиқ ҳисоботи солиқ даври якунларига кўра тақдим этилади, бундан матбуот кооперативлари мустасно.

Бундан ўтган солиқ даври якунлари бўйича жами даромад мавжуд бўлмаган тақдирда солиқ ҳисоботини тақдим этиш талаб қилинмайди.



Қўшилган қиймат солиғи  
бўйича имтиёзлар сақланиб  
қолиндимми?

Янги тахрирдаги солиқ кодексига ҚҚС дан озод этиладиган реализация қилиш оборотлар, операциялар рўйхати сезиларли даражада оптималлаштирилди.

Бунда, мактабга таълим муассасаларида болаларни тарбиялаш, беморлар ва кексаларни парвариш қилиш, пенсия ва нафақалар тўлаш, таълим соҳаси ҳамда тиббиёт хизматлари каби ижтимоий йўналтирилган имтиёзлар сақланиб қолинди.

Шунингдек, Солиқ кодексининг 243-моддасига мувофиқ, рақобатга таъсир кўрсатувчи имтиёзлар бекор қилинади.

Хусусан, туристик хизматлар кўрсатиш, қўриқлаш бўлиmlарининг

хизматлари, давлат резервининг товар-моддий захираларини янгилаш, ОАВда етказиб бериш хизматлари, кўчмас мулк объектлари, тижорат банклари томонидан амалга ошириладиган қурилишлар (Ҳукумат қарорига асосан).

Солиқ ставкасини камайтирилиши билан бир қаторда имтиёзларни оптималлаштириш тўлақонли ҳисобга олиш тизимини яратилиши ҳамда солиқ маъмурчилигини соддалаштирилишига имкон беради.

## СОЛИҚ НАЗОРАТИ ЖАРАЁНИ ВИДЕОТАСВИРГА ОЛИНАДИ

“Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчилар фаолиятида амалга ошириладиган солиқ назорати тадбирини видеотасвирга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарор Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилди (рўйхат рақами 3207, 2019 йил 30 декабрь).

Низомга кўра, солиқ органининг ходимлари, солиқ тўловчилар ҳамда уларнинг вакиллари солиқ тўловчилар фаолиятида ўтказиладиган солиқ назорати тадбирларини видеотасвирга олишлари мумкин.

Ушбу назорат тадбири жараёнида олинган видеотасвир маълумотларидан назорат тадбирлари натижаларини кўриб чиқишда, солиқ органлари томонидан қарор қабул қилишда, шунингдек суд ва ҳуқуқни

муҳофаза қилувчи органларда зарурат бўлганда фойдаланиш мумкин. Жараёнинг видеотасвирга олиниши шаффофлик ва холисликни янада таъминлайди, коррупциянинг олдини олишга хизмат қилади.

Назорат тадбирини видеотасвирга олиш солиқ тўловчиларнинг қонуний фаолиятини тўхтатиб қўймайдиган ва фаолият кўрсатишига зиён етказмайдиган тарзда амалга оширилади.



## ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ИНТЕРНЕТ ЎЧИРИЛИШИ ОҚИБАТИДА 8 МИЛЛИАРД АҚШ ДОЛЛАРИНИ ЙЎҚОТДИ

Top10VPN компаниячи мутуассислари ҳисобига кўра, ўтган йили жаҳон иқтисодиёти турли мамлакатлар ҳукуматларининг ундови билан интернет ўчириб қўйилиши оқибатида 8,05 миллиард АҚШ долларини бой берди.



Ўчирилиш 122 та давлатдан 21 тасида қузатилган бўлиб, уларнинг умумий вақти 18 минг соатдан орди. 2016 йилга нисбатан жаҳон иқтисодиёти учун ўчирилиш қиймати 235 фоизга ошган. Бу борада ўтган йили рекорд натижа қайд этилди.

"Интернет ўчирилиши бутун рақамли иқтисодиётнинг тўхтаб туришига сабаб бўлди, - деди Top10VPNнинг рақамли ҳуқуқ бўлими раҳбари Самуэль Вудхемс. - Бундай ҳолат инвесторларнинг ишончи йўқолишига ҳам сабаб бўлади. Оқибатда иқтисодиётга кириб келади пул оқими камайтирилади ва иқтисодиётга норасмий зарар келтиради".

Интернетнинг ўчиши қимматга тушган давлатлар орасида етакчиликни Ироқ бой бермади. Интернетнинг ўчиши бу давлатга 2,3 миллиард АҚШ доллари, Суданга 1,9 миллиард АҚШ доллари, Ҳиндистон (1,3 миллиард АҚШ доллари), Венесуэла (1,1 миллиард АҚШ доллари) ва Эрон (611 миллиард АҚШ доллари)га тушди. Таҳлилчилар таъкидлаганидек, интернетни асосан оммавий тартибсизликлар ва кўзғолонларга жавобан ўчиришган.

Компания ҳисоботида қайд этилган ҳулосага кўра, бутун дунёда ҳукуматнинг интернет устидан назорати кучайиб бормоқда. Қатор мамлакатлар интернетни назорат қилишни расман қонунийлаштириб қўйган.

Масалан, Россияда 1 ноябрдан бошлаб "суверен рунет ҳақида"ги қонун кучга кирган бўлиб, унга кўра фавқулодда вазиятлар юз берган тақдирда ҳукумат мамлакатда интернет трафиғини блоклашига рухсат берилди ва бундай вазиятларда интернет хизматларини етказиб берувчилар маълумотларни саралаш ҳамда трафиғини қайта йўналтириши мумкин.

Россия ахборот технологияларини назорат қилувчи идорасига Россия операторларига трафик йўналишларини белгилашга рухсат беришни назарда тутувчи ваколат берилди. Ўтган йилнинг октябрь ойи охирида ҳукумат "суверен рунет ҳақида"ги қонун ижросида доирасида йилга камида бир марта ўқув машғулоти ўтказишга доир қарор чиқарган эди.

Хитойда ҳам "Буюк файервол" тизими ишлайди, унга кўра, ҳукумат трансчегаравий интернет трафиғини секинлаштириши ва айрим хорижий мамлакатлар сайтларига киришни таъқиқлаб қўйиши мумкинлиги белгиланган.

Интернет ўчирилишидан энг кўп WhatsApp, Facebook, Instagram, Twitter ва YouTube сингари тармоқлар зарар кўрди.

Гарчи бундай ҳолатнинг глобал иқтисодиётга, инсон ҳуқуқи ва демократик жараёнларга салбий таъсири қайд этилган бўлса-да, интернет ўчирилиши жорий йилда ҳам давом этиши тахмин қилинмоқда. "Ҳамонки глобал рақамли иқтисодиёт кўлами ортаётган экан, интернетнинг ўчирилишидан қўриладиган иқтисодий зарар ҳажми ҳам ортиб боради", - деди Вудхемс ўз нутқида.

Акция нархлари ошишига сабаб технологик гигант компания ХХР га сотиладиган маҳсулотлар ҳажми ортишига оид ахборот тарқалиши билан боғлиқ бўлди.

## APPLE АКЦИЯЛАРИ РЕКОРД НАТИЖАНИ ҚАЙД ЭТДИ

Хитой ахборот ва коммуникацион технологиялари академияси томонидан эълон қилинган ҳисоботда қайд этилган ҳукуматга тегишли маълумотларга асосланиб CNBC томонидан қилинган ҳисобга кўра, Apple маҳсулотларининг Хитойдаги савдоси декабрь ойда 18 фоизга ошган.

Маълумотларга асосан, 2019 йил декабрга қадар Apple Хитойда 3,2 миллион дона маҳсулот сотган. 2018 йилнинг мос даврида бу кўрсаткич 2,7 миллион донани ташкил этган эди. Хитой Apple учун муҳим аҳамиятга эга ҳудуд саналади, боиси айнан шу давлатда нисбатан арзон нархли смартфон телефонларни ишлаб чиқарувчи рақобатчилар талайгина.

Apple акциялари ўтган ҳафтада 2 фоиздан ортиқ нархга ошган бўлиб, савдо якунига қадар 309,63 АҚШ долларига етди ва рекорд натижани қайд этди.

2019 йил I чорақда Apple Хитойдан тушадиган даромад камайиб бораётганини таъкидлаган эди. Уша даврда олинган даромад 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 5 миллион АҚШ долларига кам, яъни умумий ҳажми 13,17 миллиард АҚШ долларига етган эди.

"Бу мамлакатдаги иқтисодиёт дастлаб сусайиб бораётган эди, АҚШ ва Хитой ўртасидаги савдо зиддиятлари ҳам бунга қўшимча таъсир кўрсатаётган эди", - деди ўтган йилнинг аввалида Apple Бош директори Тим Кук. - Таҳлилий марказ маълумотларига кўра, ундан кейин вазият анча яхши томонга ўзгарган".

Counterpoint Researchнинг ноябрь ойидаги маълумотларида келтирилишича, 2019 йил III чорақда Appleнинг Хитойдаги улуши 8 фоизни ташкил этди. 2018 йилнинг мос даврида бу улуш 9 фоизга тенг эди. Бозорнинг етакчи иштирокчилари 40 фоизлик улушга эга Huawei компанияси бўлиб, ундан кейинги ўринларда Vivo, Oppo, Xiaomi сингари компаниялар жойлашган.

Таҳлилчилар савдога оид сўнгги маълумотларга қараб айрим танқидчилар Хитойни тўғри баҳолай олмаётганини таъкидламоқда. Хитой ханузгача савдо ҳажми катта бўлиб келаётган давлатлардан бири саналади. Масалан, Websum тахминига кўра, Хитойда 12 ойлик муддат давомида Appleнинг ҳар бир акцияси 350 АҚШ долларига етиши мумкин.

**Муҳаммаджон ЮСУПОВ**  
Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети I-курс талабаси

Жаҳоннинг йирик марказий банклари томонидан монетар сиёсатнинг юмшатирилганлиги 2019 йилда юқори даромадли валюталарнинг янада қиймати ошишига сабаб бўлди. Forex бозорига 2020 йилда қандай трендлар юзга келиши кутилмоқда? Куйида шу мавзуга оид айрим маълумотлар билан бўлишамиз.

## 2020 ЙИЛДА ҚАЙСИ ВАЛЮТАЛАР ЎСИШИ КУТИЛМОҚДА?

Ўтган йили emerging markets бозорига энг яхши динамикани қайд этган рубль валютаси ижтимоий сўров иштирокчилари афзал деб топган валюталар рўйхатининг юқори поғоналаридан ўрин эгаллади. Бу борада ҳатто Бразилиянинг реалини ортда қолдирди.

"Ханузгача ривожланаётган мамлакатлар бозорига нисбатан оптимистик муносабатдан, - деди Sumitomo Mitsui DS Asset Management Co. компаниясининг фондар бошқарувчиси Такеси Йокуто Bloomberg агентлигига берган интервьюсида. - Жуда паст глобал ставкалар доирасида

EMни фундаментал асосларда қўллаб-қувватланиши инвесторларнинг ундан-да юқориқ дарамадли активларга бўлган эътиборини кучайтиради".

Дарҳақиқат, ривожланаётган мамлакатлар валюталари ҳозирча юқори поғоналардан жой олган, бироқ бозордаги вазият ўзгариши мумкин. Янги йил оддий йил бўлмаслиги башорат қилинмоқда. Хусусан, АҚШда президент сайловлари бўлиб ўтиши сиёсий вазият янада таранглашидан дарак беради. Геоисий зиддиятлар кучайиб бораётган айни замонда жаҳон иқтисодиётида ҳам кишини хурсанд қиладиган натижалар

қайд этилмаяпти. Жаҳоннинг асосий валюталари ҳақида сўз борганда Европанинг ягона валютаси ҳам кутилмаган совга тақдим этиши башорат қилинди. Bloombergнинг сўрономаларида иштирок этган респондентларнинг башоратига кўра, йил охирига бориб евронинг нархи 1,16 АҚШ долларига қадар қимматлашиши мумкин. Ҳозирданок аксарият банклар евронинг 2020 йилдаги истиқболларини ижобий баҳолашни бошлаб юборган. Мисол учун, Уолл стритдаги Morgan Stanley банки евронинг қиймати I чорақдаёқ 5 фоизга, яъни 1,16 АҚШ долларига ошишини

тахмин қилмоқда.

ABN Amro Bank NV ва Commerzbank AG ҳудуддаги иқтисодиёт барқарорлашган ва Brexit атрофидаги ноаниқлик бартараф этилган тақдирда март охирига бориб евронинг қиймати 1,14 АҚШ долларига етишини башорат қилди. Опционлар трейдерлари ҳам евроҳудуднинг ягона валютаси мустаҳкамланишини қайд этмоқда. Бундан ташқари, аксарият мутахассислар фунтнинг қиймати ўсишини ишонч билан таъкидламоқда. Бу аввало Brexit билан боғлиқ баҳодир. Деярли бутун 2019 йилда Британия валютасини маҳумлик

сиқиб тургани, бироқ ҳозирда айрим масалалар узил-кесил ҳал этилганда ёки ойдинлик киритилганда Британиянинг ЕИ таркибидан чиқиб кетиши билан боғлиқ айтилган ҳар бир хабар фунт қийматини мустаҳкамлашга сабаб бўлмоқда. Бир сўз билан айтганда, сўнгги уч ой давомида фунт йўқотишлардан устамонлик билан кутулишга эришганди. Эътибор талаб этадиган яна бир валюта бу - Австралия доллари ҳисобланади. Австралиянинг экспорт бозори у ёки бу даражада Хитойга боғлиқ. Бу дегани, Австралия доллари Хитойнинг ўсиш истиқболларига таъсир кўрсатади. Шундай қилиб, "кенгур" тақдири Хитой ва АҚШ ўртасидаги савдо уруши ижобий яқунлашишига қараб ҳал бўлади. Таърибли мутахассислар башоратига таянган ҳолда айтиш мумкинки, янги йил Австралия доллари учун муҳим синов йилига айланади. Мутахассислар 2020 йилда бу валюта жаҳоннинг энг истиқболли ва мустаҳкам валюталари сафидан ўрин эгаллашига қатъий ишонч билдирмоқда.

# 2019 ЙИЛНИНГ ЭНГ КУЧЛИ ВАЛЮТАЛАРИ

2019 йил молия бозори учун ижобий йил бўлди. Таваккалли активлар сифатида қабул қилиниб келган аксарият валюталар сезиларли даражада ўсди. Уларнинг орасида етакчиликини Россия рубли бой бермади.



## 1. РОССИЯ РУБЛИ

2018 йил рубль учун муваффақиятсиз йил бўлган бўлса, 2019 йилда РФ миллий валютаси аввалги йилнинг йўқотишларини бартараф этди. Рубль деярли энг яхши динамикани қайд этди. Йил аввалида долларнинг нархи 70 рублга тенг бўлган бўлса, сўнгги савдо сессияларида бу кўрсаткич 62 рубдан пасайиб кетди. 2019 йилда рубль мустақамланишининг икки асосий сабаблари юзага келди. Биринчидан, шубҳасиз йил аввалида Россия давлат қарзидаги қўйилмалар деярли 8,5 фозлик даромадга эга бўлган эди. Бу эса ишончли эмитентлар орасида энг юқори кўрсаткич саналади. Бундан ташқари, Россия Банки йил давомида ставкаларни тушириб борди ва ФҚО (федерал қарз облигациялари) қиймати ошиши инвесторларга қўшимча даромад олиб келди. Рубль учун яна бир муҳим ижобий омил – нефть нархининг қайта тикланиши билан боғлиқ бўлди ва бу ҳолат иқтисодиёт ва валюта қийматида ижобий таъсир кўрсатмасдан қолмади.

## 2. МИСР ФУНТИ

Сўнгги йилларда Миср фунти бир доллар учун 17 дан 18 фунтгача бўлган кўсаткич ўртасида ушлаб турилган. 2019 йилда Миср фунти қатъий ишонч билан 17 фунтдан паст натижани қайд этиб турди, йил охирига бориб эса 16 фунтга тушиб қолди. Миср ҳукумати ўз валютасининг қиймати АҚШ доллари билан боғлаш ҳаракатидан воз кечган пайтда фунтнинг қиймати 8,8 дан то 20 фунтга кўтарилиб кетди.



Бундай сулласув экспортнинг ошишига ёрдам бермади ва мамлакатда савдо тақчиллигини камайтирди. Туризм ва табиий газни қазиб чиқаришдек ички тизимлар ҳолати яхшиланди. Буларнинг барчаси, шунингдек ички пул ўтказмаларининг ортиши миллий валютанинг мустақамланишига сабаб бўлди.

## 3. ЯПОНИЯ ИЕНАСИ

Япония валютаси жаҳон валюта бозоридаги энг муҳим валюталардан бири саналади. Гарчи ўтган йил аввалидан буён унинг қиймати деярли ўзгармаган бўлса-да, унинг динамикасига ҳавас қилса арзиғулик бўлди. Йилнинг биринчи ярим йиллигида иена бироз сулласди, бироқ кейин мустақамлана борди. Август ойида доллар/иена жуфтлиги котировкасида 2017 йилдаги энг кам кўрсаткич янгиланди.

Қўшимча қилиб айтиш лозим, 2012 йилдаёқ Япония иенаси айирбошлаш курси бир доллар учун 75 дан 85 иена ўртасида ушлаб турилган. Бироқ кейин ҳукумат экспортни қўллаб-қувватлаш мақсадида валютани но-зикаштириш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширди. 2018 йил охирида доллар/иена жуфтлиги котировкаси бир доллар 114 иенага тенг бўлишига олиб келди. Бу максимал кўрсаткичдан кейин иена мавқеи оша бошлади. Ун йиллиқда манфий ставкалар, иқтисодиётда дефляция ва стагнация ҳолати қайд этилишига қарамай, инвесторлар учун иена энг хавфсиз кўноқ вазифасини ўтади.

## 4. УКРАИНА ГРИВНАСИ

Украина гривнаси 2019 йилда мисли кўрилмаган динамикани қайд этди: долларга нисбатан мустақамланиш даражаси 15 фозини ташкил этди. Энг асосий сабаб, албатта, ҳукумат алмашиниши билан боғлиқ, Владимир Зеленскийнинг сайловларда ғалаба қозониши инвесторларга ўзгаришлар юз беришига бўлган умидни уйғотди. Қолаверса, бу ҳодисалар ривожланаётган мамлакатлар активлари ўсиши вақтига тўғри келди.

## 5. КАНАДА ДОЛЛАРИ

Жаҳоннинг асосий валюталаридан бири ҳисобланмиш Канада доллари ҳам 2018 йилнинг энг омадсиз валюталари сафида турган эди. Унинг динамикаси қайсидир жиҳати билан рублни ёдга солади, фақат фарқи бу ўсиш йил аввалида кузатилди. 2018 йил якунида нефть нархининг пасайиши котировка кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатди, бироқ 2019 йил аввалида энерготашувчи нархи қайта тикланди, ФЭТ эса ўз қарашларини ўзгартирди. Натижада Канада доллари йилнинг юқори натижалар билан бошлади ва яқунлади.

Аксарият инсонлар энг кучли, барқарор ва қиммат дунё валюталари, жумладан, Британия фунт стерлинги, Швейцария франки, АҚШ доллари, евро ҳақида кўпмаб маълумотларга эга. Улардан бутун дунёда кенг миқёсда фойдаланилади ва жуда ҳам кам ҳолларда уларнинг қиймати ўзгаради. Бироқ дунёда шундай валюталар ҳам борки, уларнинг нархи деярли ҳеч қанча қийматга эмас. Жаҳондаги вазиятлар шу қадар шиддат билан ўзгараяптики, баъзан қайси валюта энг кучли, ёки нозиклигини илғаб олишга улгурмай қолаяпмиз. Шунга қарамай, қуйида 2019 йилнинг энг "омадсиз" валюталари рўйхатини тақдим этамиз.

# ЙИЛНИНГ ЭНГ ҚАДРСИЗ ПУЛЛАРИ

## 1. ЭРОН РИАЛИ.

Ўтган 2019 йилда энг нозик валюта Эроннинг риали бўлди. 12 декабрь ҳолатига кўра, "қорабозор"да долларнинг нархи 114 минг риални ташкил этган бўлса, расмий қиймат 42 минг риалга тенг бўлган.

Аҳоли одатда 10 риални англаувчи "томан" атамасини тез-тез қўллаб туради. Агарда сиздан 200 томан тўлашни сўрашса, билгинки улар сиздан 2 минг риал пул сўрашмоқда.



Валютанинг сулласуви, авало, иқтисодий ва сиёсий жазо чоралари қўлланилиши билан боғлиқ. Бу чоралар Эроннинг жаҳон савдо бозорида Эроннинг ҳаракати чекланишини ҳам назарда тутди ва бунинг натижасида иқтисодиётда кескин сулласиш қайд этилди. Нефть экспорттери сифатида Эрон нефтни ҳам экспорт қила олмади, оқибатда миллий бюджет маблағларида тақчиллик юзага келди. Эслатиб ўтамиз, 2016 йилда АҚШ ва ЕИ айрим жазо чораларини олиб ташлаши натижасида Эрон валютаси ва иқтисодиёти бирмунча барқарорлашган эди. Бироқ 2018 йилда чекловлар яна қайта тикланди.

## 2. ВЕНЕСУЭЛА БОЛИВАРИ

Венесуэла боливари – энг юқори инфляция даражасига эга валюта ҳисобланмоқда. Бугунги кунда 1 АҚШ доллари 4 минг 600 боливарга тенг, бироқ 2018 йил 20 августда деноминация ўтказилганини инобатга олиш лозим. Бунинг асосий сабаби гиперинфляция ҳолати (830 минг фозлик) қайд этилиши билан боғлиқ бўлди. Лекин деноминациядан кейин ҳам нархлар кундан-кунга ошишда давом этаверди. Деноминацияга қадар АҚШ доллари 250 минг эски боливарга тенг эди. Эски банкноталар 1 га 100 минг нисбатда алмаштирилди. Мамлакатда Petro номли криптовалюта ҳам қўлланила бошлади. Унинг асосий мақсади доллар билан курашишга йўналтирилган, бироқ бу чора, аксинча, гипер инфляция даражасини жадал суръатларда ошириб юборди.

Сабаби ҳукумат долларга нисбатан курс қийматини ўз хоҳишича белгилади, "қора бозор"даги котировкадаги ҳолат эса тубдан фарқ қиларди.

## 3. ВЬЕТНАМ ДОНГИ

Вьетнам донги – арзонлиги бўйича дунё валюталарининг учинчи ўринида туради. Бир доллар 23 минг 187 донга тенг. Аслида бир қарашда ёмондек туюлса-да, бу ердаги вазият унчалик ёмон эмас. Вьетнам гарчи осонлик билан бўлмаса-да, марказлаштирилган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига қараб ривожланишда давом этаётган мамлакат бўлишига қарамай унинг миллий валютаси етарлича тўғри баҳоланмапти. Аини пайтда қўллаб-экспертлар Вьетнам ҳукумати тўғри йўлдан кетаётгани ва тез орада иқтисодиётдаги вазият қисқа фурсатларда яхшиланиши ҳамда валюта қиймати бўйича Осиёдаги қўшниларидан ўзиб кетишини қайд этишмоқда.

## 4. ИНДОНЕЗИЯ РУПИЯСИ


Индонезияда доллар курси тахминан 14 минг рупияга тенг. 2016 йилда жуда ҳам арзон қийматли банкнота президент қарори билан 7 та янги 1 дан 100 минг рупиягача бўлган янги банкнотани алмаштирилди. Индонезия Жанубий-Шарқий Осиёнинг нисбатан иқтисодий барқарор ва ривожланган мамлакатларидан биридир. Бироқ пуллар бу давлатда жуда паст қийматда айирбошланади. Мамлакатдаги мувофиқлаштирувчи идоралар миллий валютанинг мавқеи яхшиланишига оид чораларни қўлламоқда, бироқ барча ислохотлар қўтилган натижани тўлиқ бера олмапти.

## 5. СЬЕРРА-ЛЕОНА ЛЕОНИ

Сьерра-Леонада бир АҚШ доллари 9 минг 700 леонга тенг. Бу Африканинг ўта қашшоқ мамлакатларидан бири бўлиб, қўллаб синовли онларни ўз бошидан ўтказиб келмоқда. Пировардида, маҳаллий пулларнинг қадрсизланишига олиб келди. Уруш, ундан кейин Эбола деб аталмиш кучли вирус яна мамлакатни қоплаши валюта мавқеига янада салбий таъсир кўрсатди.



## ҲУДУДЛАРДА ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК ФЕСТИВАЛИ



Сурхондарё вилояти Шеробод туманида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 28 йиллиги ва 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Ҳарбий-ватанпарварлик фестивали ўтказилди. Унда 10 мингдан ортиқ фуқаро иштирок этди.

“Ватан муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир!” шiori остидаги фестиваль Билол Нозим ва Мустақиллик шохкўчалари бўйлаб ташкил этилган Ҳарбий парад билан бошланди.

Ўзбекистон Миллий гвардияси Сурхондарё вилояти бошқармаси тасарруфидagi Ҳарбий автомобиллар, ДХХ чегара қўшинлари Ҳарбий техникалари, мудофаага

қарашли махсус операцион қўшинлари махсус техникалари, отлик аскарлар, Ҳарбийлаштирилган парад иштирокчилари сафда тантанавор юриш қилди.

Шаҳардаги марказий ўйингоҳда Ҳарбий техникалар ҳамда аскарларнинг чиқишлари намойиш этилди.

Тадбирда Шеробод тумани ҳокими Алишер Амиров сўзга чиқиб, Ватан ҳимоячиларини байрам билан қутлади.

Пойтахтимизнинг Яшнобод тумани Олмос маҳалласида Ҳарбий хизматчилар учун 462 хонадонли 11 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди.

## ЯНГИ УЙЛАР МУБОРАК

Шу муносабат билан байрамона ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги масъул ходимлари, туман ҳокимлиги мутасаддилари, Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари, яқинлари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда янги турар жойга кўчиб ўтаётган Ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзоларини самимий қўллаб-қувватлаш, давлатимиз томонидан Ҳарбий хизматчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг яшаш шароитини янада яхшилашга катта эътибор қаратаётганини алоҳида таъкидлади.

Замонавий лойиҳалар асосида қурилган ушбу турар жойларда барча шароитлар яратилган. Хоналари кенг, ёруғ ва шинам. Меҳмонхона, ошхона, болалар учун мўлжалланган ва бошқа ёрдамчи хоналар ҳам замонавий

жиҳозланган. Янги уйларнинг қалитлари топширилган Ҳарбийларнинг оила аъзолари ҳам бундай эътибор ва ғамхўрликдан миннатдор. Улар орасида капитан Музаффар Бобоев ҳам бор.

– Янги уйдаги шароит бизга жуда манзур бўлди, – деди капитан М. Бобоев. – Бу каби қўлайликлар бўлса иш фаолиятимизни аъло даражада бажарамиз. Ҳарбийлар учун бу муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, пойтахтимизнинг Сергели туманидаги 8-қўриқ шудудида янги қурилган 11 та 462 хонадонли кўп қаватли уйлар ҳам Ҳарбий хизматчиларга топширилди.

Янги уйларга кўчиб кирганлардан бири сержант Шамшоджон Ҳасанов оиласидир. Янги уй берилганидан у ҳам, турмуш ўртоғи ҳам чексиз хурсанд.

## АЖДОДЛАР МЕРОСИ

### “КАЗАРМА” ЎЗБЕКЧАМИ?!

Дунёда тилни тарқалиши ва ассимиляция – диссимиляцияда (халқларнинг бир-бирига қўшилиш-камашийишида) Ҳарбийлар катта роль ўйнайди.

Масалан, “казарма” сўзи рус тилига биздан ўзлаштирилган. Соҳибқирон Амир Темур бобомиз мамлакатимизга қарашли бир манзилда ўз Ҳарбий қўшинини тушириб, кечки ҳордиқ учун аскарларни маҳаллий аҳоли хонадонига 2-3 нафардан бўлиб тарқатади. Шунда бир қиз ёлғиз ўзи тунда сувга челақ кўтариб чиққанига кўзи тушади. Амир Темур аёлнинг отасини топиб, нега эркак киши бўла туриб қизингни тунда сув олиб келишга чиқарасан, деб сўрайди. Халиги эркак уйда 2 нафар Ҳарбий аскар борлигини, хотини ва бир нафар бўйига етган қизини уйда қолдириб ўзи сувга чиқолмаслигини айтади. Темур бобомиз хатосини тушуниб ҳамма аскарларини уйғотиб махсус ётоқ учун даладан кенг ер топиб “қазирма” қилади, яъни ерни одам бўйи қазиб, устини ёпиб жой тайёрлайди. “Казарма” сўзини айнан биз ҳикоя қилиб берганимиздек, Россияда чиқадиган халқаро журнал – “Вопросы философии” да иккита рус олими ҳам эътироф этган.

Амир Темур қўшини тактик бўлиниши “овонгор” – “сараланган бўлиниш” сўзидан ҳозирги халқаро “авангард” сўзи пайдо бўлган. Шу тарихда Ҳарбий илмда ҳам бир неча сўзларимиз бошқа тилларга ўзлашган. Темур давридаги “караул”, “ясаул” каби сўзлар ҳам кўчиб ўтган. “Нефть” сўзи ҳам хорижий тилда эмас, аксинча биздан бошқа тилларга кўчган. Ҳарбий курул сифатида қалъаларни ёндириш учун сопқон отувчи палаҳмонлар, манжанақлар ёнаётган нефтни отган ва “нафтандоз” дейилган. “Нафтандоз” ўзбекча ва форсча сўзлар бирикмасидан ясалган. Нефтьта бизда шифобахш суюқлик деб ҳам қаралганини, ҳозирги Наманганнинг Қирғизистон билан чегарадош Мойлисой шудудида нефть қудуқлари бўлганини, у ердаги сойга нефть қуйилиб турганини ва кўтир дардига учраган беморлар яраларига нефть сурганигини ҳамда бундан шифо топангликларини тарихчиларимиз яхши билишади. Бир замонлар дунёга тил борасида ҳам ҳукмронлик қилган бизнинг маданиятимиз хорижий маданият ва глобаллашувга “ютилиб” кетмаслиги учун ҳаракат қилишимиз керак бўлади. Масалан Жанубий Америкада инклар маданиятидаги “эне” сўзи биздаги “она” сўзига тўғри келиши нимани билдиради?! Бу халқнинг нима учун туриш-турмуши, ранги-рўйи туркий қавмини эслатади?

Мўғуллар ҳукмронлиги даврида жуда кўп сўзлар бошқа тилларга кўчиб ўтган. Мўғулларни турклаган даврида одил ҳукмдорлар ҳам кўп бўлган. Айниқса, Оқтой (Угадай), Келекхонлар жуда кўп бунёдкорлик ишларни қилишган. Масалан, Келекхон (1318-1326 йиллар ҳукмронлик қилган) дав-

рида у ўз номидан танга пулларни зарб этган. Шунинг учун, руслардаги танга пуллар “капейка” дейилиши “Келекхон”дан олинган. Бизда болаларни “бўжи келди”, деб қўрқитилиши ҳам мўғулларга бориб тақалади. Мўғул ҳукмдорларидан бири Жўжи золимлиги билан машҳур бўлган. Болаларни қўрқитишда аввал бу сўз “жўжи келди” шаклида бўлган.

Муайян миллатга хос соф тилнинг ўзи йўқ. Халқлар этногенези сабабли тиллар ўзлашади. Туркийча “буқа” сўзи рус тилидаги “бык(а)” билан оҳангдош. Бу сўз асли туркийчами ёки русча бўлгани деган савол туғилиши табиий. Туркийча “буқа”дан ташқари бу жониворнинг ёшросини “буза”, “бузоқ” дейилиши, умуман туркий элатларнинг аксариятида “буға” сўзи қўлланилиши бу атамани бизга тегишли эканлигини билдиради. Русча “изюм” сўзи биздаги майизни билдиради. Майиз эса “узум”нинг қоқи, яъни қуритилганидир. “Абрикос” ҳам туркийчадир. Бу сўзнинг туркийчаллигини Ўлжас Сулаймон ҳам ўзининг “Аз и Я” асарида асослаган. Навоий вилоятидаги “Зарафшон” дарёсининг маъноси “олтин дарё” деганидир. “Зар” – “олтин”, “афшон” (форсча сўз) – “ўзан” (туркча) бўлиши керак. Чунки маъданшунослар қадимги кончилик усулида бу дарёдан олтин сизиб олганлари тўғрисида маълумотлар бор. Тоғдаги йўқ жойлар бизда “гор” дейилади, русча “гор(а)” эса тоғнинг ўзини билдиради. “Қўр”, “қора”, “ўр” сўзлари қадим туркийча бўлгани отган ҳам “гор” – тоғ сўзлари биздан ўзлашган дейишимиз мумкин. Чунки, “ғ”, “қ”, “ў” ҳарфлари билан бошланадиган сўзлар, нарсалар номининг деярли барчаси қадим туркийчада учрайди. Дўм, дўнг, дўнглик каби маънони билдирувчи “том” сўзи русча “дом” – уй маъносига айланганидан кўп газетчи-ларнинг хабари бор. Русчада “у” деган маънони билдирадиган “он” сўзи аслида бизникидир. Мисол учун “он хазрат”, “онки хабарсиз қолди”, “ониким йўқ халқ ғамидини ғами” (Алишер Навоий) каби сўзларни эслаб кўринг. Буларнинг барчаси албатта эсимизга тушганларидир.

Муслмон ўлкаларида савдогарларга Ҳарбийлар ёрдам бериши сабабли “шак” – яъни “гумон” маъносидаги қоғоз кенг йўлга қўйилади. Чунки Хитойдан то Андалусиягача савдогарлар нақд пулларини қароқчиларга олдириб қўяверганлари учун улар ўзаро ишончдаги бозоронларга “шак” пули, яъни пулнинг суммаси ёзилган оддий қоғоз ишлатила бошланган. Айнан “чек” сўзи “шак” иборасидан олинган. Пул ўрнига “шак” яъни “чек” ёзиш замонамизгача етиб келди.

Ш. ЖАББОР

# ГАЗЕТА ВА КИТОБ – ҚАРИНДОШ

Яқинда Жиззах вилоят ҳокимлигининг расмий веб саҳифасида газета тарғиботи бағишланган мақола эълон қилинди. Унда фикрлар айна ҳақиқатлиги боис сиз азиз ўқувчилар эътиборига ҳавола этдик. Шу ўринда вилоят ҳокимлигининг газета ўқишни тарғиб қилиши айна кундаги таҳсинга лойиқ иш десак, муболаға бўлмайди.

## ИСТЕЪДОДЛАРНИНГ ЭШИГИ ВА БЕШИГИ

Газета, шубҳасиз, буюк кашфиётлардан бири. Бугунги тараққиётда газетанинг ўрни беқарор. Газета келажақда ҳам инсоннинг ҳар томонлама энг яқин дўсти, кўмакчиси бўлиб қолади. Келинг, унинг инсон ҳаётида, айниқса, истеъдодлар камолида қандай ўрин тутишига эътибор қаратайлик.

Авалло, газета китоб билан яқин қариндош, туғишган ака-ука, истеъдодлар учун илк эшик ва бешик, ўзига хос мактабдир. Чунки кўпчилик ёзувчи-ю шоирлар, олиму журналистлар катта адабиётга, илм-фанга, матбуотга газета орқали кириб келади. Уларнинг илк бадиий машқлари, мақолалари айнан газетада чоп этилади.

Кўпчилик ёзувчи, шоирлар ўз мухлислари билан давр ва адабиёт, миллий адабиёти-миз муаммолари, ўзларининг келгуси режалари ҳамда бошқа долзарб мавзуларда газета орқали мулоқот қилишади. Қалами газетада чархланиб, кейинчалик таниқли ёзувчи ёки шоир, журналист сифатида танилган, китоблари тинимсиз чоп этилиб, севиб ўқиладиган адабиёт даргалари қанча.

Ақсарият китобхонлар газетадаги мақолалар, журналлардаги ижод намуналардан баҳраманд бўлиб, бора-бора бадиий асарларнинг ҳақиқий мухлисига айланишади.

## ЎҚИТУВЧИНИНГ КЎМАКЧИСИ

Дейлик, ўқитувчи ўз шогирдлари орасида ёзиш қобилияти бор ўқувчини пайқайди. Шунда у нима қилади? У албатта, шогирдини яқин атрофдаги газета таҳририятига етаклаб келади. Бу ерда ёш истеъдодга илк маслаҳатлар берилади. Ёзганлари газетада чоп этилган ўқувчи янги-янги орзулар қанотида учади. Ўқишга, изланишга бўлган рағбати кучаяди. Бундай ўқувчилар катта ҳаётда тезда ўрин топиб кетишади. Китоб, газета ва журнал ўқиш ҳаёт тарзининг бир қисмига айланади.

Яна бир манзара яхши таниш. Бошқа соҳаларга —

масалан, рассомчилик, спорт, музика ёки бошқа бир фанга қизиқиши бор ўғил-қизларнинг илк ютуқлари газетада эълон қилинганда улар қанчалик қувонганини ҳаммамиз кўп кузатганмиз.

Азизлар, газетанинг бундай беқарор имкониятларидан фарзандларимизнинг унумли фойдаланишига имкон берайлик. Агар ким телевизор ва интернетнинг жозибадорлигига маҳлиё бўлиб, газетага чап кўзи билан қараса, пушаймон бўлиши аниқ. Жараён оммавий тус олганида эса халқ, миллат кўп нарсани бой бериб қўяди.

Телевизорда бир воқеани томоша қилдингиз. Энди ўша воқеани газета орқали ўқинг. Ана шунда, воқеа тафсилоти билан таниша туриб, сўзларнинг қандай ёзилиши, қаерда нуқта, вергул, сўроқ, ундов белгиларининг қўйилиши, хатбоши нима эканлиги, бош ҳарф, кичик ҳарфнинг ўрни қаердалигини ҳам ўрганиб борасиз.

Мабодо, бу борада билимингиз етарли бўлса, янада мустаҳкамланади. Мақолани ўқиб, воқеани ҳаёлингизда жонлантirasиз. Бу билан сиздаги ҳаёл ҳужайралари ҳаракатга келади. Ҳаракат билим ва тафаккурнинг янги уфқларини очади.

Газетада чоп этилган мақола-ни истаган вақтингиз қайта-қайта ўқиб, мағзини чақиб, шундан сўнггина хулоса чиқариш мумкин. Телевизорда бундай имконият йўқ. Телевизор ва интернет, китоб ва газета, журналлар бу – изланган, ҳаёл экрани куёшдек порлаган буюк шахсларнинг ихтиросидир. Бошқача айтганда, телевизор ва интернетнинг илдизи китоб, газета ва журналдир. Илдиздан махрум этилган ўсимлик ўсадими? Ўз олдига улуғ мақсадларни қўйган шахс, миллат, халқ, албатта, тинимсиз китоб, газета, журнал ўқиши керак.

## ОҚЛАДИ

Раҳматли устоз Алибой Эргашев газетанинг фойдаси билан боғлиқ бир воқеани сўзлаб берганди. Бир кишининг бошига кулфат тушибди. Энди унинг тақдирини ҳуқуқ-тартиб идорасидаги масъул шахснинг сўнгги хулосаси билан боғлиқ эди. Ҳимоячиси ҳаётда амалга

оширган хайрли ишларини далил сифатида келтирди. Аммо узил-кесил ҳимоя учун далил кам эди. Шунда бирдан ҳаёлига ўзи ҳақида газетада ёритилган мақола келди. Шу мақола ҳал қилувчи далил бўлади ва бошида айланиб турган қора булутлар тарқаб кетади.

Ҳаётда газетанинг шундай фойдаси ҳам бўлиб туради.

## ОНА ТИЛИМИЗ ҲИМОЯЧИСИ

Хурматли Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2019 йилнинг 4 октябрда “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида” ги Қонуни қабул қилинганнинг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида” ги Қарорни, 21 октябрда эса “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармонни имзолади.

Бу ҳужжатларнинг қабул қилиниши барчамизни беҳад мамнун қилмоқда. Чунки ўзбек тили, таъбир жоиз бўлса, миллий истиқлол ғоясининг ўзак қисмини, ажратиб бўлмас бўлагини ташкил этади. Она тилимизга эътибор, ўзбек миллатига, Ўзбекистон халқига, ўзбек давлатчилиги тараққиётига эътиборингиз нақ ўзидир.

Президент олдимишга қўйган ўта муҳим вазифаларни газета ўқимасдан удралай олмаймиз. Чунки кўча-кўйдаги реклама, эълону шоирларда ўзбек тили қоидалари бузилаётганини кўп кузатмоқдамиз. Оддий кишиларга тушунарсиз бўлган ажнабий ном ва ёзувларнинг болалаша кишининг гашига тегади.

Бизнингча, газета билан дўст бўлган киши бундай камчиликларга йўл қўймайди. Мабодо муаммо пайдо бўлса, осонгина ҳал қила олади.

## ЮРАК ЖУРНАЛИСТИКАСИ

Ҳар бир газета ўқишли бўлиши керак. Бунинг учун таҳририятга салоҳиятли журналистлар жамланиши зарур.

Журналист юрак қўри билан ёзсагина, мақоласи бошқа юракларга етиб боради, ёзганини ўқувчи излаб, севиб ўқийди. Мақолада қониққан, ундаги тафаккур жиловлари руҳият ташначилигини қондирган, қалбнинг қоронғи бурчакларини ёритиб юборган ўқувчи обуна учун тўлаган пулига ачинмайди.

Газетанинг ўқишлилиги – энг яхши ташвиқот. Энг яхши реклама ҳам шу. Бунга истеъдод ҳамда меҳнат, меҳнат ва яна меҳнат билангина эришилади.

Бу йўлда азиз ҳамкасбларга муваффақият тилаймиз.

Товбой ХЎЖАМБЕРДИЕВ,  
нафақадаги журналист



Замоннинг ишлари қизиқ-да. Уларни мушоҳада қилиб, бир қулгинг, бир йиғлагинг келади. Нега дейсизми?! Келинг, сизга ўз ҳаётимдан мисол келтирай.

Ёшлигимда журналист бўлишни орзу қилиб, ўқишга кирдим. У ерда устозу домлалар журналист адолат байроғини доим юқори кўтариб, фақат ҳақиқатни ёзишни, сўзлашни ўргатишди. Аммо биз ўша йиллари амалиётга ўташга газеталарга борганимизда ҳақиқий журналистика мутлақо бошқача эканини гувоҳи бўлдик. “Ҳаммаёқ зўр” қабилдаги мақолалар ёзиш кераклигини ўқдиришди. Бундай иш кўнгилмига маъқул келмай журналистикадан совиб, бошқа соҳадан кетишни мақсад қилдим. Лекин тақдир яна матбуот томон етаклади. Хуллас, бир газетага ишга кирдим.

Ёшлик шижоати фақат шов-шувли танқидий чиқишлар ҳақида ёзишга ундарди. Лекин таҳририятда ҳамма ёзганларни силлиқлаш, кўпроқ баланд парвоз гаплар ёзиш кераклигини ўқдирилди. Чунки юқоридан буйруқ шундай бўлганмиш. Охири шу зайлда ишлашга ҳам кўникиб қолгандик. Аммо замон зайли ўзгарди. Сўнгра матбуот талаб ҳам. Шу зайлда ишимиз бошида турган катталаримиз танқидий-таҳлилий чиқишлар қилиб, фақат халқ дардини ёзиш кераклигини айтишди. Қани энди таҳририятда бирор бир журналист ўткир танқидий мақола ёза олса. Ҳамма “ура-урачилка” кўникиб, бир қолипда шаклланиб бўлган.

Танқидий мақола ёзаман деб қўлингга қалам олсану у фақат “мақтов” сўзларини ёзади. Зўр танқид ёздам деб, мақолани охири тугатиб ўқиб чиқсанг, фақат “гулла-яшна”дан иборатлигининг кўрасан. Шуниси қизиқки, ўша пайтда газета тўлиқ сийқасини чиққан мақтовлардан иборат мақолалар билан чиқса ҳам ҳаммага маъқул келиб, ўқувчиси ҳам топиларди. Ҳатто таҳририятга кўнгириқлар бўлиб, раҳматлар ҳам эшитардик. Энг асосийси, газетада ўқишли ҳеч вақо бўлмас-да, обуна дегани юз минглаб бўларди.

Бугун-чи?

Бугун матбуотнинг ҳолига маймунлар йиғлаган. Қанча-қанчаси ёпилиб, қолганлари ҳам ўша тақдирни кутиб яшашпти. Лекин шуниси қизиқки, айна кундаги матбуот нашрларига эркинлик, ҳурлик шободаси насиб этиб, ўқишли, танқидий, дадил ёзилган мақолалар кўпайган бир пайтда афсуски, энди уни ўқийдиган одам йўқ.

Бу гўё тақдирнинг матбуотга ҳазили эмасми-кан деб ўйлаб қолсан, киши.

Энди қандай бўлмасин муштарийлар кўнглини топишимиз лозим бўлади.

Муҳайё ОРТИҚОВА

**Азиз ҳамюртлар!**  
**Янги 2020 йил муборак бўлсин!**  
 Сизларга ва яқинларингизга соғлиқ-саломатлик,  
 фаровонлик ва чексиз қувонч тилаймиз.  
 Янги йил Сизларга янги истиқболлар ва  
 фаолиятингизга ривож олиб келсин.  
 Самимий тилаклар билан,  
 “Hamkorbank” АТБ жамоаси.

Контакт центр / Aloqa markazi ☎ 0 800 1-200-200 [www.hamkorbank.uz](http://www.hamkorbank.uz)

## ВАТАН ҲАҚИДА ҲИКМАТЛАР

Айрилмагин  
 элингдан,  
 Қувват кетар  
 белингдан.  
 \*\*\*

Бадқавм бўлсанг  
 бўл,  
 Беқавм бўлма.  
 \*\*\*

Ватан гадоси —  
 кафан гадоси.  
 \*\*\*

Ватан учун ўлмоқ  
 ҳам шараф.  
 \*\*\*

Ватан қадрини  
 билмаган ўз  
 қадрини билмас.  
 \*\*\*

Ватанга келган —  
 имонга келар.  
 \*\*\*

Ватанга фалокат  
 — ўзинга ҳалокат.  
 \*\*\*

Ватангадо  
 бўлгунча,  
 Кафангадо бўл.  
 \*\*\*

Ўзга юртда шох  
 бўлгунча, ўзга  
 юртда гадо бўл!  
 \*\*\*

Ёридан айрилган  
 етти йил йиғлар,  
 Юртидан айрилган  
 ўлгунча йиғлар.  
 \*\*\*

Туғилган ердан  
 кўнгил узилмас,  
 Юрт қўриганнинг  
 юрти бузилмас.  
 \*\*\*

Элга қўшилсанг, эр  
 бўласан,  
 Элдан ажралсанг,  
 ер бўласан.

### БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ - ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА  
 ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси  
 Марказий банки

Ўзбекистон Республикаси  
 Банк-молия академияси

“Moliya yangiliklari agentligi” МЧЖ

ДИРЕКТОР  
 Ўктам АБДУЛЛАЕВ

БОШ МУҲАРРИР  
 Бобур МУҲАММАДИЕВ

БОШ МУҲАРРИР  
 ЎРИНБОСАРИ  
 Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА

Обуна ва реклама учун  
 Тел: 99897 776 60 18  
 71 234 43 18  
 Факс: 71 234 43 18  
 Нашр индекси-102.

Ахборот кўмаги  
 ЎЗА, “Norma Hamkor” МЧЖ

Тахририят манзили:  
 100060. Тошкент ш., Шахрисабз кўчаси,  
 23-уй e-mail: bankaxborotnomasi@mail.ru,

[www.finance.uz](http://www.finance.uz)  
 Чоп этишга тайёрловчи:  
 “Moliya yangiliklari agentligi” МЧЖ  
 Газета тахририятнинг техник  
 ускуналарида саҳифаланди.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан  
 “Банк ахборотномаси” да эълон қилинган  
 материаллари кўчириб босишга ижозат бериллади.  
 Қўлэмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.  
 Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги  
 томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами  
 билан рўйхатга олинган. Газета ҳафтада бир марта –  
 пайшанба кuni чиқади.  
 Буюртма № г 0063 А-1605  
 Нархи шартнома асосида.  
 Газета АЗ ҳажмда, 4 шартли босма табоқда чоп этилди.  
 Босишга рухсат этилди: 14.01.2020 й.,  
 1 2 3 4 5 6